

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви кафедраси
Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси**

Тасдиқлайман

доц. Астанов А.

Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети декани

«_____» «_____» 2012 й

**5610100 – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
йўналиши бўйича**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш
жараёнларини ривожлантиришда ахборот
технологиялари усуллари қўллаш” (Қўшработ тумани
фермер хўжаликлари мисолида)**

Бажарувчи: Иқтисодиёт ва
бошқарув факультети, фермер
хўжалигини бошқариш ва юритиш
йўналиши 4 босқич 406-гуруҳ
талабаси

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент:

Қучқаров Нуриддин

Урдушев Х.

**Битирув малакавий иш муҳокама қилинди ва ДАКга
ҳимояга рухсат берилди**

Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси
муздир, и.ф.н., доц.

Урдушев Х.

“_____” _____ 2012 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш	3
I. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	8
II. ҚЎШРАБОТ ТУМАНИДА МЕВА-УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ.....	16
2.1. Бозор иқтисодиёти даврида Самарқанд вилоятининг мева-узумчилик соҳасидаги иқтисодий ислохатларнинг аҳамияти	16
2.2. Қўшработ туманида мева-узум маҳсулотларни ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини таҳлили	26
2.3. Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили	31
III. УЗУМЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛИДА СТАТИСТИК ВА ЭКОНОМЕТРИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ АҲАМИЯТИ	41
3.1. Иқтисодий таҳлилнинг статистик ва математик усулларини қўллашни аҳамияти хақида.....	41
3.2. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида сотилган узум маҳсулотини рентабеллигини статистик таҳлили	45
3.3.Эконометрик моделларни қўллаш асосида узум ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва олинган натижаларни таҳлили	50
3.4. Мева-сабзавотчилик соҳаларида меҳнат хавфсизлиги ташкил этиш	56
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	60
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	66

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида қурилаётган барча чора-тадбирларга қарамадан, аксарият давлатларда ўсиш саръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда ¹

И.Каримов

К И Р И Ш

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, қишлоқда аҳоли учун қулай ва замонвий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида мева-сабзавот, узумчилик етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ қишлоқ хўжалиги тармоғини барча соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилиб, хўжалик юритишнинг замонвий шакллари жорий этилди. Айниқса, хусусий мулкчилик шаклидаги фермер хўжаликларининг ташкил этилганлиги соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча тоифадаги хўжаликларда 2010 йилда мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жами 11 млн. 66,8 минг тонна маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган эди 2010 йил якунлари бўйича жами 11 млн. 919,5 минг тонна маҳсулотлари етиштирилган. Шу жумладан,

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/ И.А.Каримов.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

1271,1 минг тонна қайта ишлаш корхоналарига топширилган, 408,1 минг тонна уруғлик учун ажратилган, 628,1 минг тонна экспорт қилинган, 9612,2 минг тонна мева-сабзавот, узум, полиз ва картошка маҳсулотлари ички бозор ва ички истеъмол учун ишлатилган [61]:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим 7 та устувор вазифалари ҳисобот йилида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳа тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чоратадбирлар комплекси, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг 2011 йил 15 июлдаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чоратадбирлар дастури”даги тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳанинг барча тармоқлари иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари барқарорлиги таъминланди.

Амалдаги баҳоларда 19 трлн 633,6 млрд сўмлик (2010 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,6%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилгани ҳолда мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,6 фоиздан иборат бўлмоқда ².

Бугунга келиб, фермер хўжаликларининг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши 34,0 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич пахтачиликда - 99,4%, ғаллачиликда - 83,1% ва пиллачиликда 97,9 фоиздан иборат бўлмоқда;

ЎЗР қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистика маълумотларига кўра, мамлакат бўйича 2011 йилда жами 13 млн 112,0 минг тонна, 105,6% (ўсиш даражаси 110,0 фоиз ёки ўтган йилга нисбатан 1192,5 минг тонна кўп)

² Манба: <http://agro.uz>- ЎЗР қишлоқ ва сув хўжалиги сайти

мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ишлаб чиқарилди, (шундан: сабзавот - 6993,7 минг тонна (ўсиш даражаси - 110,2%); картошка - 1862,4 минг тонна (110,0%); полиз - 1294,7 минг тонна (109,5%); мева - 1871,1 минг тонна (109,4%) ва узум - 1090,1 минг тонна (110,4%));

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохатлари амалга ошириш учун ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалигига оид 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» [3], «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги [4] қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилиб, хўжалик юритишнинг замонавий шакллари жорий этилди. Айниқса, хусусий мулкчилик шаклидаги фермер хўжаликларининг ташкил этилганлиги соҳа ривожидан муҳим аҳамият касб этди. Буни фермер хўжаликлари ҳозирда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи асосий кучга айланганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда Республикаимизнинг барча тармоқларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. ЎзР Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, 2011 йилда ҳам “Вазирлар Маҳкамасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва ер унумдорлигини ошириш бўйича махсус дастур тайёрлаш топширилади” [14, 28 бет].

Ўзбекистонда барча соҳаларда иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади – иқтисодиётни эркинлаштириш орқали аҳолига эркин ва фаровон ҳаётни

таъминлашдан иборатдир. Республикамиз қишлоқ хўжалик иқтисодиётида мева, узумчилик ва сабзавотчилик салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди.

Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар давом эттириш мақсадида 2006 йил 9 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Бу фармонда мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари кўрсатиб берилган [6-7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармонини ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева сабзавотчилик тармоғини такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Қўшработ туманининг аксарият фермер хўжаликлари чорвачилик ва деҳқончиликнинг лалмикор дон маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Лалмикор деҳқончиликни ривожланиши аксарият ҳолларда йил фасилларида об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ бўлади. Биз мазкур битирув малакавий иши (БМИ) доирасида туманда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожланишини ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Қўшработ туманини мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасининг (фермер хўжаликлари ва бошқа маълумотлар асосида) ишлаб чиқариш жараёнларни ўрганиш асосида:

- БМИ мавзуси доирасида, Қўшработ туманида мева ва узумчилик соҳасининг ривожланишини ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш;

- бозор иқтисодиёти шароитида мева-сабзавот, узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ўрганиш;

- туманда мева узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги ҳолатини ўрганишни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қуйганмиз.

БМИ мақсади:

- 1) Қўшработ туманини мева-сабзавот ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш;

- 2) Узум ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлаш миқдорига боғлиқлиги ифодаловчи ишлаб чиқариш функцияларини тузиш, компьютерда олинган натижаларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш

токзорлар ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлашга боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделларини тузиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

БМИнинг асосий вазифалари:

- Қўшработ туманини мева ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жараёнларини ўрганиш;

- Қўшработ туманини мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ;

- узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги маълумотлари асосида: узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлил қилиш;

- узумчилик фермер хўжалиги маълумотлари асосида сотилган узум маҳсулотини рентабеллигини статистик таҳлилинини амалга ошириш;

- фермер хўжалиги маълумотлари асосида эконометрик моделларни қўллаш асосида узум ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш , олинган натижаларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

I. Фойдаланилган адабиётлар таҳлили

Мазкур БМИда танланган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг: Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” [1], Ўзбекистон Республикаси «Мехнат Кодекси» [2], Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” [3] ва “Фермер хужалиги тўғрисида”ги [4] қонунларини, Республикамиз Президентининг Фармонлари [5], Қарорлари [6] ва асарлари, маърузаларини [8-15] ўрганиш билан бирга, мамлакатимиз ва чет элларда нашр қилинган дарслик, ўқув қўлланма ва монографилар, илмий журналлар [16-51] ва Internet ахборот ресурсларидан [52-64] фойдаланилди.

«Фермер хужалиги тўғрисида» қонуни 7 та боб ва 36 та моддадан иборат. Бу қонун билан қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар иқтисодий узгаришларнинг энг муҳим бўғини деб эътироф этилди, янги хужалик механизми-фермер хужаликлари ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий қоидалари яратилди.

«Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони³. 2003 йил 24 март. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 55-модда.

Бу фармон қишлоқ хўжалигида тарихий аҳамиятига эга хужжат бўлиб, тармоқ ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Унда «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш» энг муҳим йўналишлари этиб белгилаб берилган.

³ http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=170168

«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 9 январь, ПФ-3709-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь. 3-5 бетлар.

Бизнингча, бу фармоннинг қуйидаги бандлари жуда муҳим аҳамиятга эга:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга ;

б) янги ташкил этиладиган агросаноат фермалари даромад (фойда) солиғи тўлашдан ер солиғи, мулк солиғи қушилган қиймат солиғи (ипортга қушилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан – 3 йил муддатга озод қилинсин

«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 йил 11 январь, ПҚ-255-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь.8-10 бетлар.

Бу қарорда: «Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни кенгайтиришга йўналтирилиши» кўрсатиб ўтилган.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларни сотиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Низом ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13- сон буйруғи билан тасдиқланган.. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 4-5. 2006 йил январь-февраль, 53-62 бетлар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги Ф-3287-сонли Фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва моливий кўрсаткичларини

чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг муқобил ер майдонлари ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи комиссиялар билан ишлар олиб борилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини оптималлаштириш ишлари якунланди.

2011 йилнинг 11 апрелда «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди [5]:(<http://www.press-service.uz/uz/news/>). Бу фармонда: “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида: ... амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилиши” кўрсатиб ўтилган (Манба:<http://www.press-service.uz/uz/news/>).

И.А.Каримовнинг «2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси» дан қуйидаги фикрни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз⁴: “Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди. 2000-2011 йиллар мобайнида

⁴ Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/ И.А.Каримов.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – 36 б.

ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадаб ривожланаётган мамлакатлари қаторида жой олади”.

Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. 100 савол ва жавоб. – Тошкент, 1997. Мамалакатимизни бозор муносабатларига утиши, унинг дуне хамжамиятидаги урни, иқтисодиётнинг барқарор бўлишига қаратилган. Китобда бозор иқтисодиётининг асослари ва моҳияти унинг ҳаракатга келтирувчи омиллар ёритилган. Китобда, бозор иқтисодиётининг асослари савол ва жавоблар асосида ёритилган.

Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. – Тошкент: Мехнат, 1998. Бу китобда Англиядаги қишлоқ хўжалигини ривожланиши қонунлари фермерлик фаолиятлари ёритилган. Келтирилган маълумотлар реал мисоллар билан мустаҳкамланган. Асар 12 бобдан иборат. Жумладан, унинг 9-боби "Хўжалиқнинг асосий боблари фойдасига таъсир этувчи омиллар" деб номланади.

Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиқ қорхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Тошкент: Истиқлол, 2004. Мазкур БМИ ёзишда проф. Ф.Жўраев [22] томонидан бу дарслиқнинг «Сабзавотчиликни ташкил этиш», «Узумчиликни ташкил этиш» номли бобларидан фойдаланилди. Жумладан, «Сабзавотчиликнинг аҳамияти ва вазифалари» ҳақида дарслиқда қуйидаги айтиб ўтилган: «Сабзавотчилик – ташкилий – иқтисодий жихатдан ширкат, фермер ва дехқон хўжалиқлари учун, хусусан йирик шаҳарлар, туманлар ва саноат марказлари атрофида жойлашган хўжалиқлар учун, қисқа вегетация даврида, арзон меҳнат ресурслари ёрдамида, йил давомида бир текис пул тушумини таъминлай оладиган, бозор иқтисоди талабларига мос келадиган, аҳолининг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган сердаромад тармоқлардан биридир».

Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслиқ.- Т.: Молия, 2005.- 412 б. Бу дарслиқ 33 та бобдан ташкил топган. Биз БМИни ёзишда «Ўсимликчилик ва чорвачилик

тармоқлари самарадорлигини ошириш имкониятлари» номли бўлимида ёритилган «Боғдорчилик самарадорлигини ошириш имкониятлари» ва «Токчилик самарадорлигини ошириш имкониятлари» номли бобларидан, шунингдек «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва уни ошириш имкониятлари» деб номланадиган 20-бобнинг «Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари» ва «Рентабелликни ошириш омилларидан оқилона фойдаланиш» мавзуларда ёритилган услублардан фойдаландик. Дарсда қайд қилинганидек «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасида нисбат билан ифодаланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамалакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги бир қатор хусусиятлари ва доимий характдаги омилларнинг йигиндисига боғлиқ» бўлади

Исмоилов А.А, Рихсимбоев О.Қ. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б. Ушбу ўқув кўлланмада иқтисодий таҳлилда комплекс математик усуллардан кенг фойдаланиш имкониятлари келтирилган. Замонавий бизнес ва менежментда муваффақиятларга эришиш мавжуд иқтисодий муҳит, вазиятни чуқур иқтисодий таҳлиliga таянади ва мавжуд альтернатив вариантлар ичидан оптимал ечимни танлашга боғлиқ бўлади. Кўлланмада оптималлаштириш усуллари, статистик усуллар, эвристик усуллар ва бошқа усуллардан амалий масалаларни муваффақиятли ечиш учун замонавий бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда кўллаш соҳалари келтириб ўтилган.

Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. (Муоммоли маърузалар матни). М.Қ.Пардаевнинг таҳририда. Самарқанд: СамИСИ, -2005. (www.ziyonet.uz). Маърузалар курсида бошқарув таҳлилининг назарий асослари, унинг мазмуни, предмети, объекти, ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат кўрсаткичлари,

асосий воситалар, айланма маблағлар, моддий ресурслар, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили ёритилган.

Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.. Иқтисодий таҳлил. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001. Қўлланмада бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонада иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш, унда кулланиладиган усуллар, корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик, молиявий барқарорлик каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг тизими, тавсифи, назарий ва амалий жихатдан очиқ берилган.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Учебник. - Минск: «Новое знание, 2001. Бу дарслик 2 та бобдан ташкил топган. Бу боблар 15 та бобга ажратилган бўлиб, унинг олтинчи боби “Анализ использования трудовых ресурсов и фонда оплаты труда (Меҳнат ресурслари иш ҳақи фондини таҳлили)” деб номланади. Биз БМИ ёзиш жараёнидаги бажарилган таҳлилларда мазкур китобда ёзилган услублардан фойдаландик.

Шодиев Т.Ш., Ҳакимов Т.Х., Болтаева Л.Р. ва бошқ. Эконометрика (ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2007. –187 б. Ушбу ўқув қўлланмада олий таълимнинг бакалавр босқичидаги иқтисодиёт йўналишидаги барча мутахассисликлар учун “Эконометрика” фанининг тасдиқланган намунавий ўқув дастурига биноан тайёрланган. Қўлланмада ривожланган мамлакатлардаги ёки республикамизда яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида латин алифбосида яратилган илк бор нашр етилган ўқув адабиётидир. Қўлланманинг афзаллиги эконометрика тушунчалари, иборалари содда ва талабалар тушунадиган тилда ёзилганлиги, математик тушунчалар ва ифодалар соддалаштирилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодига тегишли ахборотлар кэнг қўлланилганлиги, айрим эконометрик моделлар таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009, -224 б (www.ziyounet.uz). Мазкур ўқув қўлланмада

бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодий шароитда комплекс иқтисодий таҳлилнинг мақсади, вазифаси, таҳлил этиш методи, корхонанинг ресурс потенциали, асосий ва оборот капиталидан самарали фойдаланиш, молиявий барқарорлик, ишбилармонлик фаоллигини баҳолаш йўллари, уларнинг тизими назарий ва амалий жиҳатдан очиб берилган. Қўлланманинг айрим бўлимлари маркетинг, таннарх ва харажатларни таҳлили, даромадлилик, баланс активи, капитали ва мажбуриятларининг рентабеллиги таҳлиliga бағишланган

Қудратов Т., Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б. Ушбу дарсликда “Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати” фанининг назарий, услубий ва амалий масалалари акс эттирилган. Иқтисодий таҳлил туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва маддий манфаатдорлик даражасининг яхшиланиш имкониятлари аниқланади. Буларни фаолиятга ўз вақтида жалб этиш нафақат корхона иқтисодиётини, хатто миллий иқтисодиётни мустахкамланишига ва халқ фаровонлигининг ошишига олиб келади. Таҳлилнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини янада самарали етказиш учун унда қўлланиладиган анъанавий усулларни такомиллаштириш зарур.

Интернет ахборот ресурслари. БМИ ёзишда “Фойдаланилган адабиётлар” бобида келтирилган [52-64] интернет порталлари ва сайтлардан фойдаланилди. Масалан, ЎзР Давлат статистика қўмитасини www.stat.uz сайтида келтирилган «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича 2011 йилдаги асосий кўрсаткичлари» ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш маълумотлардан БМИ бажарилган таҳлилларида фойдаланилди. Шунингдек қуйидаги сайтлардаги танланган мавзуга оид ишлаб чиқариш, статистик ва ҳуқуқий ҳамда ўқув услубий материаллардан фойдаланилди:

<http://agro.uz>- ЎзР қишлоқ ва сув хўжалиги сайти,

<http://qushrabot.samarkand.uz> – Қўшработ тумани ҳокимлиги сайти.

<http://samarkand.uz>- Самарқанд вилояти ҳокимлиги сайти

www.ziyonet.uz- ахборот–таълим портали;

www.mexnat.uz- ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

www.Lex.uz- ЎзР адлия вазирлиги ҳузурдаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази сайти.

www.ft.uz- фермер ва томорқачи. Ижтимоий-маърифий, илмий-оммабоп газета сайти.

www.qishloqhayoti.uz -ЎзР Қишлоқ ҳаёти газетаси сайти.

www.vinprom.uz –Ўзвинсаноат – холдинг сайти

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди⁵.

И.Каримов

II. ҚЎШРАБОТ ТУМАНИДА МЕВА-УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Бозор иқтисодиёти даврида Самарқанд вилоятининг мева-узумчилик соҳасидаги иқтисодий ислохатларнинг аҳамияти

Бугунги кунда қишлоқ хужалигининг барқарор ўсиши биринчи навбатда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қандай ва қай даражада ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Фермер хужаликларини фаолиятини ва ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий аҳволини ўрганиш, аввало деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини таркибини ўрганишни тақозо қилади.

Деҳқончиликда ер ресурслари муҳим ўринни эгаллайди. Бинобарин, бозор иқтисодиёти, Республика агросаноат тизимларининг деҳқончилик тармоғини самарали ривожланишини таъминлайдиган ва у билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтирадиган ишлаб чиқариш механизминини ҳаракатга келтириш, барча турдаги ресурслардан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш ва умуман тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

⁵ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь, №14.

Бозор иқтисодиёти даврида мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришнинг тез ўсишини таъминловчи омиллардан бири Республика вилоятларининг мева ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган зоналари бўйича мевали дарахт ва токзорларни тур ва навига кўра илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда уларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш соҳа олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланса, набатдагиси – ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш, уларни янги узулган ва қиш мавсумидаги аҳоли эҳтиёжларини ва экспорт қилиш, қайта ишлаш ҳажмларини оптимал нисбатларини аниқлашдан иборат бўлади.

Бу жараёнларда - қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлиги, қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келадиган у ёки бу талабларига биноан тез мослашувчан илғор технологияларини жорий этилиши, соҳанинг истиқболда барқарор ва самарали ривожланишини таъминлайди. Мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқариш, ҳамда уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари ҳажм кўрсаткичларини ўсишини - уларнинг сифат билан уйғунлашган бўлиши лозим, чунки етиштирилган маҳсулотларнинг сифати бозорда нарх-навони белгилайди, соҳанинг иқтисодий натижаларга ўз таъсирини ўтказиши.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, мева-узумларнинг тур навларини рационал жойлаштириш, қайта ишлаш корхоналарининг табиий-иқтисодий ихтисослашув зоналарида концентрациялашуви ер, моддий, меҳнат ва маблағ ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Республикада қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаси салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, Республика қишлоқ хўжалиги Ялпи маҳсулотида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасининг улуши – 11-13 фоизни ташкил қилиши фикримизни далилидир.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу соҳа олдида Республикамиз аҳолисини сифатли мева ва узум маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси туради.

Республикада мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш 2006 йилнинг январь ойидан бошланди, жумладан, мамлакатимизда соҳага оид қуйидаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди [6-7]:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2 (190)- сон, 2006 йил.3-5 б.].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. (Низом Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Қабул қилинган фармонда қуйидагилар мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари деб ҳисобланади⁶:

“а) тармоққа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини жорий этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни талабларига

⁶ www.Lex.uz- ЎЗР адлия вазирлиги ҳузурдаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази сайти.

қабтий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашувни сақлаган ҳолда фермер хўжаликларини қайта ташкил қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларни тасарруф этишда фермерларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер-ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини ошириш;

в) фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланадиган, шу жумладан хорижий инвесторларнинг иштирокидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспортини кенгайтириш”.

Мазкур фармонида кўрсатиб ўтилган мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), мавжуд ихтисослашувни сақланган ҳолда фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиниши асосида мулкчилик шакли ўзгартириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий бозор инфратузилмаси барпо этиш;

- муайян ҳудуд доирасида (ихтиёрийлик асосида) истиқболда соҳани самарали ривожланиши таъминлайдиган агросаноат ва агрофирма тузилмалари фаолияти шакллантириш;


- Республика аҳолисини сифатли мева-сабзавот, узум ва унинг қайта ишланган маҳсулотларига бўлган талабини қондириш. Ички ва ташқи бозор талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиб бориш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш.

1-жадвал

Самарқанд вилояти ва Қўшработ тумани сабзавот, картошка, полиз экинлари ва
боғ ва токзорлар майдонлари таркиби ҳақида маълумот (2011 йил)

т/р	Экинлар номи, га	Самарқанд вилояти	Салмоғи, %	Қўшработ тумани	Салмоғи, %	Туман кўрсаткичларини вилоят экин майдонларига нисбатан салмоғи, %
1	Сабзавот экинлари	34149	43,8	346	27,7	1,0
2	Картошка	5065	6,5	160	12,8	3,2
3	Полиз	1750	2,2	75	6,0	4,3
4	Боғлар	12632	16,2	78	6,2	0,6
5	Токзорлар	24360	31,2	590	47,2	2,4
6.	Жами	77956	100,0	1249	100,0	1,6

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. 1-жадвал маълумотларини диаграммаси

“Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга ва унга асосан қабул қилинган тегишли қарорини бажариш бўйича 2006 йилда республикада мавжуд 219 та мевачилик, сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида 36579 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ташкил қилинган янги фермер хўжаликларига 295131 га экин майдони ажратилди.

Республикамиз Марказий Осиёда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги даврда боғлар майдони 172 минг, токзорлар – 104 гектарни, полиз майдонлари 41,1 минг гектарни ва картошка майдони 62,9 минг гектарни ташкил қилади

Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра сабзавот, картошка, полиз экинлари ва боғ ва токзорлар майдонлари 2011 йилда 77 минг 956 гектарни ташкил қилган.

Унинг 43,8 % сабзавот экинларини, 31,2 % токзорларни ва 16,2 % боғларни ташкил этган. Юқорида номи келтирилган экинлар учун 2011 йилда Қўшработ туманида 1249 гектар экин майдони ажратилган. Самарқанд вилоятини 2,4 % токзорлари ва 0,6 % боғ майдонлари Қўшработ тумани ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал)

Келтирилаётган 1-жадвал маълумотлари туманда мева- сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларини ривожланмаганлигидан далолат беради.

Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида 2010 -2011 йилларда мева ва узум ишлаб чиқаришни иқтисодий курсаткичлари ва молиявий натижалари 2-3 жадвалларда келтирилмоқда

2-жадвал

Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида 2010 -2011 йилларда мева
ишлаб чиқаришни иқтисодий курсаткичлари ва молиявий натижалари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Мутлоқ, (+/-)
1	Экин майдони	га	12172	12632	460	103,8
2	Ҳосилдорлик	ц/га	98	124	26	126,5
3	Ялпи ҳосил	тонна	119524	156142	36618	130,6
4	Пул даромади	млн. сум	32657	56041	23384	171,6
5	Жами харажат	млн. сум	25173	40310	15137	160,1
6	Фойда	млн. сум	7484	15732	8248	210,2
7	Рентабеллик	%	29,7	39,0	9,3 пун	х

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-жадвал

Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида 2010 -2011 йилларда узум
ишлаб чиқаришни иктисодий курсаткичлари ва молиявий натижалари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Мутлоқ, (+/-)
1	Экин майдони	га	23206	24360	1154	105,0
2	Ҳосилдорлик	ц/га	101,0	104,6	3,6	103,6
3	Ялпи хосил	тонна	234492	254721	20229	108,6
4	Пул даромади	млн. сўм	82072	107515	25443	131,0
5	Жами харажат	млн. сум	62047	76758	14711	123,7
6	Фойда	млн. сум	20025	30757	10732	153,6
7	Рентабеллик	%	32,3	40,1	7,8 пун	х

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси
маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Соҳанинг ривожланиши ҳақида фикр юритар эканмиз, Республикамизда олимлар олиб бораётган илмий-тадқиқот тавсияларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Р. Ҳакимовнинг фикрича бозор иқтисодиёти даврида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасининг ривожлантирилиши ҳамда ердан самарали фойдаланишни ташкил этиш омиллари қуйидагилардан иборат бўлади⁷ [48]:

- 1) Минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос экинларни, навларни танлаш ҳамда уларга тегишли агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш;
- 2) Сабзавот-полиз, картошкачиликда алмашлаб ва навбатлаб экиш ҳамда бир йилда 2-3 мартаба ҳосил етиштиришни кенг жорий қилиш;
- 3) Тупроқ унумдорлигини оширишда органик, минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш ҳамда сидерат экинларни экишни қўллаш;
- 4) Сабзавот, полиз, картошка экинларининг маҳаллий уруғчилигини ривожлантириш ва уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarини ташкил этиш;
- 5) Касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган тарзда курашиш усуллари кенг жорий қилиш;
- 6) Боғ ва токзорларнинг сийраклик даражасини қисқартириш;
- 7) Кам ҳосилли боғ ва токзорларни реконструкция қилиш ва янги интенсив типдаги навларни экиш. Тоғ ва тоғли худудларда қурғоқчиликка чидамли бўлган олма, нок, ёнғоқ, бодом, олхўри ва бошқа мевали боғларни ташкил қилиш;
- 8) Ёш боғ ва токзорларни ораларига тўлиқ картошка, сабзавот экинлари экилишини ташкил этиш;

⁷ Ҳакимов Р. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий минитехнологияларни жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. Самарқанд, 2010, Ҳокимлар йиғилиши материаллари.

9) Сувсиз ва адирлик ҳудудларда томчилаб суғориладиган боғлар ташкил этиш;

10) Енгил конструкцияли, альтернатив иссиқликдан фойдаланиладиган иссиқхоналар қуриш каби ишларни амалга ошириш лозим.

Қўшработ тумани фермер хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Қўшработ ва қушни туманларда реализация қилишга қулай шарт – шароитлар мавжуд.

Қўшработ туманидаги хўжаликлар буғдой, мева-узум ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга жуда қулай булган об-ҳаво иқлим шароитларига эга.

Туман фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш учун, жуда қулай бўлган, транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ихтисослаштирилган узумчилик хўжаликларини ташкил этишда, уларни қуйидаги ишлаб чиқариш типларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир[20]:

- йирик шаҳар, саноат марказлари ва туманлар атрофида эртапишар хўраки узумларни етиштирадиган ширкат ва ижарачилар хўжаликлари (80 % гача, хўраки узум етиштиради);

- тоғолди ва тоғли ҳудудларда майизбоп узумчилик хўжаликларини ривожлантириш (85-90 % гача товар майиз етиштириш);

- суғориладиган ҳудудларда узумни қайта ишлайдиган винобоп навларини етказувчи хўжаликларни ривожлантириш(60% винобоп, 30 % хўраки, 10 % майиз етиштирадиган);

- маҳсулотлари аралаштирилган истеъмолга мўлжалланган хўжаликлар (20 % хўраки, 65 % майизбоп ва 15 % винобоп);

- узумчилик-боғдорчилик типдаги хўжаликлари;

- боғ-узумчилик типдаги корхоналар.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ихтисослаштиришнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган – ердан самарали фойдаланишни таъминлаш асосида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини миқдорини таъминлайди ва сифатини яхшилайти;

- қишлоқда мавжуд меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишга имконият яратади. Соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг профессионал тузилмасини ўзгартиради, ишчилар малакасини ва меҳнат унумдорлигини оширади;

- капитал қўйилмалар ва асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади, ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ва илғор тажрибаларни жорий қилишга имконият яратади;

- товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пасайтириш, рентабелликни оширишга шароит яратади.

Самарқанд вилояти мева ва узум етиштириш рентабелли ҳисобланади (2-3-жадваллар). Масалан Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида 2011 йилда 24360 гектар тоқзорлардан ўртача 104,6 центнердан узум ҳосили олишга эришилди. Ялпи узум ҳосили 254721 тоннани, пул тушуми 107 515 миллион сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 76758 млн. сўмни, жами фойда 30757 млн сўмни, рентабеллик даражаси 40,1 % ни ташкил қилди.

2.2. Қўшработ туманида мева-узум маҳсулотларни ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини таҳлили

Қўшработ тумани дон, мева-узум, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларидан иборат.

Туманида, кейинги йилларда буғдой ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу боисдан хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан мева ва сабзавот маҳсулотларини Қўшработ ва қўшни туманларда реализация қилишга қулай шарт – шароитлар мавжуд.

Бу фермер хўжалигининг Қўшработ туманида нисбатан катта, аҳолиси сийрак жойлашган ҳудудларда жойлашган.

Маълумки, Республикамизда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли туман шакллари, иқтисодий манфаатлари ва уларни амалга ошириш шароитларида хўжалик юритишнинг турли туман шакллари асос қилиб олинади. Жумладан, коллектив мулкнинг турли шаклларида фойдаланишга асосланган, ижара корхоналари, коллектив корхоналар, қишлоқ хўжалик корхоналари ва хўжалик уюшмасига тегишли бўлади.

Қўшработ туманидаги хўжаликлар бугдой, узум ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга жуда қулай булган об-ҳаво иқлим шароитларига эга. Туман фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш учун қулай бўлган имкониятлар мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини сифатли мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, Республикамизнинг қулай об-ҳаво шароити мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган тармоқларини самарали ривожлантириш имкониятиларини беради.

Шу ўринда мева-сабзавотчилик иқтисодиётига оид қатор монография, рисола ва илмий мақолалар муаллифи, таниқли иқтисодчи олим Р.Г.Бороздиннинг фикрича мева ва узум ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин⁸:

- «узоқ давр давомида шаклландиган боғ-токзорлар таркиби, уларнинг ҳудудий жойлаштирилиши, муайян аниқ бир зона, туман ва хўжаликларда концентрациялашувини белгилайдиан - табиий-иқтисодий омиллар. Бу омиллар, бутун халқ хўжалиги тармоқлари каби, ривожланишнинг объектив қонуниятлари натижасида юзага келади ва уларда тезликда сонли ва сифатли равишда ўзгартирилишни амалга ошириш мумкин эмас;

⁸ Бороздин Р.Г. Вопросы развития садоводства и виноградарства в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1972. 82 с.

• ишлаб чиқариш интенсификацияси асосини ташкил қилувчи омиллар, соҳани ривожлантириш учун ажратиладиган, асосан капитал маблағлар ҳажмига боғлиқ бўладиган ва қисқа вақт давомида амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатлар, хўжаликлардаги боғ-токзорлар ўлчамлари, мева-узум ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва ихтисослаштириш даражаси, асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг даврийлиги ва бошқ.».

Аксарият фермер хўжаликларида мева ва узум етиштиришнинг ишлаб чиқариш харажатларини кўтарилиши кузатилмоқда.

Қўшработ туманида 2011 йилда ғалла экинлари майдони-11900 га, токзорлар майдони – 590 га, сабзавот экинлари майдони – 360 га, боғлар майдони –78 га ва полиз экинлари майдони – 75 гани ташкил қилган. Ҳозирги даврда Қўшработ туманида мева-узумчиликнинг товар маҳсулотларини рентабеллиги бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ташкил топмоқда. Мева-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларида сотиш баҳоларини йилдан-йилга ошиши ҳисобига эришилмоқда.

Қўшработ туманида 2011 йилда 2010 йилга нисбатан туман бўйича ялпи узум ҳосилнинг 102 тоннага ёки 1,5% га ўсиши (3-жадвал) гектаридан ҳосилдорликнинг 1,7 центнерга ёки 1,5 % га ўсиши ҳисобига бўлган. Мева-узумчиликда 2011 йилда 2010- йил каби иқлим шароити қулай келмаганлиги сабабли туманда токзорлар ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот кўрсаткичларини бўйича сезиларли ўзгаришларга олиб келмаган.

Туман бўйича 2010 йилда мевали боғлар майдони атиги 53 гектарни ташкил қилган. Боғлар майдони 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 25 гектарга ёки 47,2 % га ўсиб 78 гектарни ташкил қилган. БМИ келтирилаётган 4 - жадвал маълумотларидан кўринадики 2011 йилда Қўшработ тумани бўйича 78 гектар боғлардан ўртача ҳар бир гектаридан 81,1 ц дан ҳосил олинган. Ялпи ҳосил 633 тоннани, пул тушуми 221 млн. сўмни, жами харажатлар 161 млн. сўмни, жами фойда 61 млн. сўмни ва рентабеллик даражаси 37,9 % ни ташкил қилган.

4-жадвал

Қўшробот тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида 2010 -2011 йилларда мева ишлаб чиқаришни иктисодий курсаткичлари ва молиявий натижалари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Мутлоқ, (+/-)
1	Экин майдони	га	53	78	25	147,2
2	Ҳосилдорлик	ц/га	84,3	81,1	-3,2	96,2
3	Ялпи хосил	тонна	447	633	186	141,6
4	Пул даромади	млн. сум	112	221	109	197,3
5	Жами харажат	млн. сум	87	161	74	185,1
6	Фойда	млн. сум	25	61	36	244,0
7	Рентабеллик	%	29,0	37,9	8,9 пунктга ўсиш	

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5-жадвал

Қўшробот тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида 2010 -2011 йилларда узум ишлаб чиқаришни иктисодий курсаткичлари ва молиявий натижалари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Мутлоқ, (+/-)
1	Экин майдони	га	590	590	0	100,0
2	Ҳосилдорлик	ц/га	112,2	113,9	1,7	101,5
3	Ялпи хосил	тонна	6620	6722	102	101,5
4	Пул даромади	млн. сўм	2317	3025	708	130,6
5	Жами харажат	млн. сум	1768	2157	389	122,0
6	Фойда	млн. сум	549	868	319	158,1
7	Рентабеллик	%	31,1	40,3	9,2 пунктга ўсиш	

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қўшработ тумандаги аксарият мева-сабзавотчилик хўжаликлари, вилоятнинг Самарқанд, Тойлоқ ва Булунғур туманиларидаги фермер хўжаликлари сингари иқтисодий жиҳатидан барқорор ва бақувват хўжаликлар тоифасига кирмайди.

Бунинг сабабларини: боғ ва токзорлар ҳосилдорлигининг юқори эмаслиги, йилан - йилга маҳсулот таннархини ошиб бораётгани, боғ-токзорлар қилиниши зарур бўлган агротехнологик тадбирларни ўтказилмаслиги, бу ишларни бажариш муддатлари кечикиши ёки умуман бажарилмаслиги, меҳнат унумдорлигини пастлиги, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш харажатларини йилдан-йилга ошиб бораётганли ва шундай сервис хизматини кўрсатувчи тузилмаларни йўқлиги билан изоҳланади.

Туманда мева-узумчилик соҳасини истикболда ривожлантириш хақида сўз борганда проф. Ф.Жўраевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [22]:

- узумчилик тармоғини ҳажми, маҳсулот етиштириш таркиби (хўраки, майизбоп ва винобоп) ва навлар тузилиши;
- етиштириладиган узум навига талаб ва уни қондириш манбаълари;
- узум кўчатлари ва янги навлар учун ер майдонларини танлаш;
- токзорларда ўтказиладиган агротехник тадбирлар тизими;
- токзорларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили;
- ижара муносабатлари асосида меҳнатни ташкил этиш (ишчи кучига бўлган талаб ва меҳнат мувозанати);
- ички ва ташқи шартномалар тизимини шакллантириш (буюртмалар папкасини яратиш);
- меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини яратиш;
- техникага, асбоб-ускуналарга, айланма воситаларга ва хусусан ўғит, захарли химикатлар ҳамда бошқа хизматларга бўлган талаб;
- капитал қурилмаларга бўлган талабни режалаштириш;
- узумларни сақлайдиган омборлар, қайта ишлайдиган корхоналар ва маҳсулотлар экспортини режалаштириш;

• асосий иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш: маҳсулотлар таннари, меҳнат унумдорлиги, ялпи даромад ва ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Узумчиликда токзорлар катъий режа асосида ташкил этилиши лозим ва унда асосий агротехник жараёнларни ўз вақтида ўтказишга катта эътибор бериш керак.

2.3. Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жаранида: қишлоқ хўжалик тармоқларида фаолият курсатиш механизмини қайси бир шаклда еки мазмунда бўлишидан қатъий назар, истикболда самарали ривожланиши, жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, у хўжаликда: меҳнатни илмий-асосланган ташкил қилиш; ишлаб чиқариш жараёнларни бозор иқтисодиёти талабларига кура такомиллаштириб бориш; мавжуд ишлаб чиқариш шарт-шаротлардан оқилона фойдаланиш, таркиб топган реал имкониятлардан фойдаланишни тақозо қилади.

БМИ мавзуси ва унда қуйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Қўшработ тумани Оқтепа ҚФЙ худудида жойлашган «Хонназар Шакарангул» узумчилик фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғи кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Энди биз «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигининг узум етиштиришнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил қилишга ўтамиз. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 2010-2011 йилларда ҳосилли токзорлар майдони 25 гектарни ташкил қилган. 2011 йилда токзорлар ҳосилдорлиги ўртача 1 гектардан 84 ц ни ташкил қилган (6-жадвал).

6- жадвал

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум ишлаб чиқаришнинг
иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий натижалари

Т.р	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш	
				Мутлоқ, (+/-)	Нисбий, (%)
1	Токзорлар, га	25	25	0	100,0
2	шу жумладан ҳосил берадиган ёшда, га	25	25	0	100,0
3	Ялпи ҳосил, ц	1900	2100	200	110,5
4	Ҳосилдорлик, ц/га	76	84	8	110,5
5.	Пул тушуми, м.с.	75335	107100	31765	142,2
6.	Сотилган маҳсулот таннари, м.с.	58900	79800	20900	135,5
7.	Маҳсулот сотишдан олинган фойда, м.с.	16435	27300	10865	166,1
8.	Рентабеллик, %	27,9	34,2	6,3	х

Манба. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фермер хўжалигида 2011 йилда узумнинг ялпи ҳосили 2100 ц ни ташкил қилган, Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 200 центнерга ёки 10,5 фоизга кўп демакдир.

2011 йилда 2011 йилга нисбатан «Хонназар Шакарангул» фермер фермер хўжалигида токзорлар ҳосилдорлигини ошиши, ялпи ҳосилни ошишига олиб келган ва мос равишда даромад манбалари бўлган пул тушумини 31 млн 765 минг сўмга ошишига олиб келган.

Фермер хўжалигида етиштирилган узум ҳосилини реализация қилишдан олинган пул тушуми 107 млн 100 минг сўми, узум ишлаб чиқариш харажатлари 79 млн 800 минг сўми, олинган фойда эса 27 млн 300 минг сўми ташкил қилган.

Узумчиликни ривожланиши токзорлардаги узим навларига боғлиқ. Узум навлари хўраки, майизбоп, хўраки – винобоп ва винобоп гуруҳларга бўлинади. Ўз ўрнида узум навлари эртапишар, ўртапишар, ўрта кечпишар, кечпишлар навларга ажратилади

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида токзорларнинг таркиби: қора кишмиш (21 га), ва оқ кишмиш (4 га) навларидан ташкил топган.

Бу фермер хўжалигидаги узум навларига қисқача тасниф бериб ўтамыз.

Қора кишмиш нави. Бу кишмиш навидан хўраки ҳолда янги узулган ҳолда истеъмол қилиш ва асосан сифатли майиз олиш учун фойдаланилади. Бу ва ўрта кечпишар нав ҳисобланади. Қўшработ тумани каби тоғ олди ҳудудларида, тегишли агротехнологик тадбирлар талаб даражасида ўтказилганда сифатли ва юқори ҳосил берадиган навлардан ҳисобланади

Оқ кишмиш нави. Бу нав Ўзбекистонда етиштириладиган юқори ҳосилли ва харидоргир бўлган жуда яхши навлардан ҳисобланади. Бу нав ўзнинг бошқа навлардан фарқли томони, ундан сифатли майиз маҳсулотларини олинади. Мамалакат аҳолисини қиш мавсумида қуритилган узум маҳсулотларига бўлган талабини, айнан шу навли узум майдонларини кенгайтириш орқали эришиш мумкин.

Энди Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлиliga тўхталамиз.

“Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили” нинг назарий ва амалий характердаги тушунчалари куйидаги [25, 26-28, 29-34, 37-43] манбаларда атрофлича ёритилган.

БМИнинг ушбу параграфини ёритишда таниқли иқтисодчи олим Т.Қудратов томонидан ёзилган “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фаолиятининг таҳлили” дарслигида назарий ва амалий характердаги тушунчаларига асосланамиз [27].

Иқтисодиётда молиявий натижалар деганда фойда ёки зарар кўрсаткичлари биргаликда тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар даромад ва харажатлар орасидаги фарқ тариқасида аниқланади.

Даромадлар ҳажми харажатларга нисбатан кўп бўлса, ораликдаги фарқ фойдани билдиради, аксинча бўлса зарарни билдиради.

Фойда қанча кўп бўлса, корхона иқтисодий жиҳатдан шунга мустаҳкам бўлади. Фойда ошган сайин корхонанинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тўловга қодирлиги ошиб боради, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиғаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий неъматни яратувчиларнинг моддий манфаатдорлиги даражасини ошириш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун шароит яратилади.

Шунинг учун ҳам хар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали юритиш учун ҳаракат қилиши керак. Фойдали фаолият кўрсатиш учун иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилиш талаб этилади, чунки фойдани кўпайтириш ва зарарни йўқотиш учун зарур бўлган имкониятларни фақат таҳлил орқали аниқлаш мумкин.

Таҳлилнинг мақсади-фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва омилли таҳлил қилиш асосида уларни янада кўпайтириш ва

ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Шулардан бири фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини кўрсатиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг асосий манбалари бири бўлиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ҳисобланади. Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги. Буни (Рпр) аниқлаш учун узумни сотишдан олинган ялпи фойдани (Яф) 100 фоизга кўпайтириб, сотилган узумнинг ишлаб чиқариш харажатларига бўлинади [27].

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 2011 йилда узум сотишдан олинган фойда - 27300 минг сўмни ташкил қилган, узумни ишлаб чиқариш харажатлари 79800 минг сўмдан иборат бўлган.

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги буйича узум етиштиришни рентабеллиги = $27300 \cdot 100 / 79800 = 34,2$ ёки 34,2 %

Бу рентабеллик харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир, яъни 1 сўмлик қилинган харажатга қанча фойда олганлигини кўрсатади.

7 -жадвал.

Кўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги бўйича узум сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлил этиш учун бошланғич маълумотлар

№	Иқтисодий кўрсаткичлар	2010 йил (базис йили)	2011 йил (ҳисобот йили)	Ўзгариши (+,-)	Фоизда, % (+,-)
1.	1 ц узумни таннархи, сум	31000	38000	7000	122,6
2.	1 ц узумни сотиш баҳоси, сум	39650	51000	11350	128,6
3.	1 ц узумни сотишдан олинган фойда, сум	8650	13000	4350	150,3
4.	Рентабеллик, %	27,9	34,2	6,3 пунктга ошган	

Манба. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳисобот 2011 йилдаги ялпи фойда ҳажмини 2010 (базис) йилидаги фойда суммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий миқдорлардаги ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда 2011 йилдаги фойдадан 2010 йилдаги фойда суммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ва камайганлиги) аниқланади. Биз, бу ерда 2011 йилдаги фойданинг 2010 йилга нисбатан ўзгаришининг таҳлилини 7-жадвалда келтирилган.

Ҳисобот йилида (2011 й) ҳар бир маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг базис йили (2010 й) га нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки камайишини) қуйидаги статистик модел (формула)дан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_{qprz}$$

Бу ерда,

$q_1 = 2100$ ц, 2011 йилда сотилган узум миқдори;

$q_0 = 1900$ ц, 2010 йилда сотилган узум миқдори;

$p_1 = 51000$ сўм, 2011 йилда сотилган 1 ц. узумнинг ўртача сотиш баҳоси;

$p_0 = 39650$ сўм, 2010 йилда сотилган 1 ц. узумнинг ўртача сотиш баҳоси.

$z_1 = 38000$ сўм, 2011 йилда сотилган 1 ц узумнинг таннархи;

$z_0 = 31000$ сўм, 2010 йилда сотилган 1 ц узумнинг таннархи (38000 с.);

Юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган узумни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

Биринчи омил: Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши (q_1, q_0);

Иккинчи омил: 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши (p, p_0);

Учинчи омил: 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши (z_1, z_0).

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги бўйича узумнинг ялпи фойдасининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқлаймиз. Бу ҳисоблаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида Microsoft Excel да “Сотилган маҳсулот, ц”, “1 ц маҳсулот баҳоси, сўм ” ва “1 ц маҳсулот таннархи, сўм” каби бошланғич маълумотлар фойдаланиувчи томонидан киритилганда қолган

ҳисоблашларини автоматик тарзда ҳисоблайдиган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили»ни ҳисоблайдиган электрон жадвал яратилди ва ҳисоблаш натижалари 8-жадвалда келтирилмоқда.

Энди 8-жадвалда «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили» қисқача таҳлил қиламиз:

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 2011 йилда 2010 йилга нисбатан узумни сотишдан 10 млн. 865 минг сўм кўп фойда олинishi қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган:

1) Ялпи фойданинг ўзгаришига сотилган узум миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларида сотилган узум миқдорлари орасидаги фарқни базис йилида 1 ц узумни сотишдан олинган фойда суммасига кўпайтирилади, яъни [27]:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = \pm \Delta_q \text{ ёки } (q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = (2100-1900) \cdot (39650-31000) = 1730000 = 1730 \text{ минг сўм.}$$

Иқтисодий мазмуни. Демак, 2011 йилда 2010 йилига нисбатан фермер хўжалиги бўйича сотилган узум ҳажмининг 200 ц. га ошиши натижасида узумни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 1 млн 730 минг сўмга ошган. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида, сотилган узум ҳажмининг ошиши фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Бу сотилган узум ҳажми билан олинган фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Фермер хўжалиги бўйича сотилган узум миқдори ошиши, фойдани ошишига олиб келган.

2) Фойданинг ўзгаришига иккинчи омилнинг яъни 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги ўртача сотиш баҳолари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган узумнинг ҳақиқий миқдorigа кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_p \text{ ёки}$$

$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = (51000 - 39650) \cdot 21000 = 23835000 = 23835$ минг сўм ёки 23 млн 835 минг сўм.

Иқтисодий мазмуни. Фермер хўжалиги бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 113350 сўмга ошиши ялпи фойда суммасини 23 млн 865 минг сўмга кўпайтирган. Фермер хўжалиги бўйича узумни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

8-жадвал.

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011й.	Ўзгариши (+,-)
1	Сотилган маҳсулот, ц	1900	2100	200
2	1 ц узумни сотиш баҳоси, сўм	39650	51000	11350
3	1 ц узумни таннархи, сўм	31000	38000	7000
4	1 ц узумнинг фойдаси, сум	8650	13000	4350
5	Узумни сотишдан олинган ялпи фойда (-зарар), м. с.	16435	27300	10865
	Шу жумладан ўзгариши:			
	5.1 Сотилган узумнинг миқдорининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	1730
	5.2. 1 ц узумнинг сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	23835
	5.3. 1 ц узум таннарининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	-14700

Манба. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ўртача баҳо билан фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Баҳонинг ошиши ҳар доим фойданинг ошишига олиб келади, камайиши эса камайтиради.

Фойданинг ўзгаришига 1 ц узум таннархи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йилларидаги 1 ц узум таннархлари орасидаги фарқни 2010 йилда сотилган узумнинг ҳақиқий миқдорига кўпайтириб топилади:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_z \text{ ёки}$$

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = (38000 - 31000) \cdot 2100 = -147000000 = -14700 \text{ минг сўм} = -14 \text{ млн 700 минг сўм.}$$

Иқтисодий мазмуни. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 1 ц узум таннархи 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 7000 сўмга ошган, натижада фермер хўжалигида узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 14 млн 700 минг сўмга ошган.

Бу эса ўз навбатида фермер хўжалигида узумдан олинган ялпи фойда кўрсаткичига салбий таъсир этиб, уни **14 млн 700** минг сўмга камайтирган англатади.

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили» қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин булади:

- фермер хўжалиги бўйича 2011 йилда узумни сотишдан олинган ялпи фойда 2010 йилга нисбатан 10 млн 865 м. с. га ошган. Бу ошиш:

- 2011 йилда 2010 йилига нисбатан хўжалик бўйича сотилган узум ҳажмининг 200 ц га ошиши натижасида етиштирилган узумни сотишдан олинган ялпи фойда суммасини 2010 йилига нисбатан 1 млн 730 минг сўмга кўпайишига олиб келган. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида сотилган узум ҳажмининг камайиши фойдани ўзгаришига салбий таъсир қилган.

- фермер хўжалиги бўйича 2010 йилидаги 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2009 йилига нисбатан 6010 сўмга ошиши ялпи фойда суммасини 2 млн 164 минг сўмга кўпайишини таъминлаган. Демак, фермер хўжалиги

бўйича узумнинг ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

- «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 1 ц узум таннархи 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 7000 сўмга ошиши узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатларини 14 млн. 700 минг сўмга ошишига олиб келган.

Мамлакатимиз фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун улар фаолиятининг барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, соҳаларнинг истиқболда ривожланишини мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳозирги зомоннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқорида бажарилган таҳлиллар фирмизни тасдиқлайди.

III. УЗУМЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛИДА СТАТИСТИК ВА ЭКОНОМЕТРИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ АҲАМИЯТИ

3.1. Иқтисодий таҳлилнинг статистик ва математик усуллари қуллашни аҳамияти ҳақида

Фермер хўжалиklarининг фаолиятини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархни пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдани кўпайтириш, тўлов қобилиятини ошириш, молиявий барқарорликни яхшилаш имкониятлари аниқланади [23,25-28, 32,33, 37-39].

Иқтисодий таҳлилда ўрганилаётган ҳодисалар асосан математика ва бошқа математик воститалар ёрдамида ифодаланган математик моделлардан фойдаланилади.

Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш усуллари, жумладан статистик ва эконометрик моделлар ҳақида кўплаб дарслик ва ўқув қулланмалари яратилган бўлиб, [22, 23, 26-29, 32-34, 37-39] уларда таҳлил оид назарий ва амалий тушунчалари атрофлича ёритилган.

Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш фани махсус билимлар тизимидан иборат бўлиб, у қуйидагилар билан шуғулланади [25]:

- объектив иқтисодий қонунлар ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланаётган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг ўзаро боғланишини миқдорий томонларини ўрганиш;
- бизнес-режаларни илмий асослаш ва уларни бажарилишини объектив баҳолаш;
- иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини миқдорий баҳолаш;
- хўжаликни ривожланиш тенденциялари ва пропорцияларини очиб бериш, фойдаланилмаган ички имкониятлар ва захираларни аниқлаш;
- илмий асосланган башоратларни ишлаб чиқиш;

○ –миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари асосий кўрсаткичларининг истиқболдаги ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш;

○ илғор тажрибалардан фойдаланиш ва оптимал бошқариш қарорларини қабул қилиш.

Иқтисодий жараёнларини ўрганиш алоҳида хўжалик элементлари, фактлар, ҳодиса ва ҳолатларни кузатишдан бошланади ва улар биргаликда хўжалик жараёнини, хўжалик фаолияти мазмунини у ёки бу бошқариш тизимида ифодаланади. Аммо шу билан бирга иқтисодий жараённи тўлиқ, бутунлигича ўрганиш керак бўлади, негаки бир вақтнинг ўзида умумий йўналиш ва уни таъминлаш учун зарур бўлган шароитлар ва фаолиятлар текширилади.

Математик моделлар формула кўринишида ёзилган, миқдорий характеристикали; аниқ сонли характеристикалар билан сонли моделлар; мантикий ифодалар ёрдамида ёзилган мантикий моделлар ва график усулида ифодаланган график моделларга ажратилади.

Иқтисодий жараёнларнинг қайси жиҳати ўрганилишидан қатъий назар, уларни бир – бири билан ўзаро боғлиқликда, алоқада деб қараш лозим.

Маълум миқдордаги усуллардан фойдаланиш орқали таҳлил предметининг ҳолати ва унинг ўзгариши ўрганилади. Масалан, солиштириш, нисбий миқдорлар, ўртача миқдорлар, индекс, занжирли боғланиш, кўрсаткичлар фарқи ва бошқа усулларни қўллаш орқали таҳлил предмети ўрганилади. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ўз навбатида иқтисодий-статистик ва иқтисодий-математик усулларга бўлинади. Кенг тарқалгани иқтисодий ситатистик усуллардир. Буларга солиштириш, фарқлаш, гуруҳлаш, занжирли боғланиш, индекс каби усулларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Иқтисодий таҳлилда иқтисодий математик усуллар ҳам кенг қўлланилади. Шулар жумласига корреляция, дисперсия, интеграл усулларини кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий математик усулларни қўллаш асосида: иқтисодий таҳлилни бажариш муддати тезлашади; ўзгаришлар ва уларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади; оддий, анъанавий усуллар билан ҳисоблаб

бўлмайдиган мураккаб омиллар ва кўп омилли кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имкони туғилади; ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш осонлашади [25].

Энди функционал ва корреляцион боғланишлар ҳақида тўхталамиз.

Ҳаётимизда ва турмуш тарзимизда учрайдиган ҳар қандай тасодифий ходисалар маълум бир қонуниятларга бўйсунди⁹. Бундай ходисаларнинг рўй бериши ёки рўй бермаслиги аниқ ҳисобга олинган омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг сонли кўрсаткичлари маълум бир аниқ хусусиятга эга бўлади. Масалан, биз иқтисодий-статистик текширувлар олиб борганимизда иқтисодий-техник кўрсаткичлар кўринишидаги ахборотларга дуч келамиз. Бунда ишлаб чиқаришга кириш ахбороти ўртасидаги муносабатлар ўрганилади.

Амалиётда иккита x ва y ўзгарувчан миқдорлар ўртасидаги муносабатларнинг функционал, статистик ва корреляцион боғланишларини кузатиш мумкин. Агар x миқдорнинг D соҳага тегишли ҳар бир қийматига бирор усул ёки қонун бўйича y миқдорнинг бирор E соҳадаги аниқ бир қиймати мос қўйилса, унда y ўзгарувчи миқдор x ўзгарувчи миқдорнинг функцияси дейилади. x ва y миқдорларнинг орасидаги ушбу бир қийматлик мосланиши символик тарзда $y=f(x)$ кўринишида ёзилади. Бундай боғланишга *функционал боғланиш* деб аталади. Функционал боғланиш жадвал, аналитик ва график кўринишда берилиши мумкин.

Статистик боғланишда тасодифий миқдорлардан бирининг ўзгариши иккинчи тасодифий миқдор эҳтимоллари тақсимооти қонунининг ўзгаришига олиб келади. Иқтисодий-статистик тадқиқотларда энг долзарб масалалардан бири иккита x ва y тасодифий миқдорлар орасидаги статистик боғланишни топишдир.

Тасодифий миқдорлар орасидаги статистик боғланишлар корреляцион-регрессион таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилади.

⁹ Беркинов Х., Беркинова А., Султонов Б., Холдорев Х. Иқтисодий масалаларда корреляцион-регрессион таҳлил моделлари татбиқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 108 б

Иқтисодий маълумотлар ҳар доим жадваллар шаклида тақ-дим этилади. Жадвалларда келтирилган сонли маълумотлар, одат-да ўзаро очиқ (маълум) ёки (махфий) боғланишларга эгадир.

Очиқ турдаги боғланган кўрсаткичлар, масалан, режанинг бажарилиш фоизи, даражалар, тегишли салмоқлар, йиғиндида четланиш, ўсиш даражаси, индекслар ва ҳоказолар маълум формулалар ёрдамида олдиндан ҳисобланиши мумкин.

Иккинчи турдаги боғланишлар олдиндан маълум эмас. Лекин инсон мураккаб ҳодисаларни ва жараёнларни бошқариши учун уларга хос махфий боғланишларни тушунтира олиши ва башоратлаши керак. Шу сабабли мутахассислар кузатувлар ёрдамида махфий боғланишларни очишга ва уларни формулалар орқали ифо-далашга, яъни ҳодисаларни ва жараёнларни математик тарзда мо-деллаштиришга интиломоқдалар. Шундай имкониятлардан бирини корреляцион-регрессион таҳлил тақдим этади.

Иқтисодчилар математик моделларни уч хил умумий мақсад-да: тушунтириш, башоратлаш, бошқариш учун тузадилар ва фойдаланадилар.

Ҳозирги вақтда компьютердаги электрон жадвалларнинг корреляцион-регрессион таҳлил воситалари билан таъминланиши туфайли энг мураккаб гуруҳга тегишли, чуқур илмий ва шу сабабли кам фой-даланиладиган, деярли экзотик усуллардан бири бўлмиш корреляцион-регрессион таҳлил мутахассис учун кундалик, самарали ва опера-тив аналитик курулга айланди.

Корреляцион-регрессион таҳлил усулларида фойдаланиб, аналитиклар корреляция коэффиценти ёрдамида кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишлар зичлигини ўлчамоқда. Бунда ҳар хил турдаги (кучсиз, ўртача зичроқ, энг кучли ва ҳоказо) боғланишлар кузатилади. Агар боғланишлар ўта муҳим бўлса, унда мақсадга мувофиқ уларнинг регрессион модели тарзда математик ифодасини топиш ва моделнинг статистик қийматини баҳолаш лозим. Иқтисодиётда регрессия тенгламасининг қийматидан ўрганила-ётган ҳодисани ёки кўрсаткични башоратлашда фойдаланилади. Шу сабабли регрессион таҳлил кузатувлар натижасида ҳосил қилинган маълумотлар

ўртасидаги яширин боғланишларни очишда замонавий математик статистиканинг асосий усули деб ҳисобланади.

Регрессион ҳисоблашлар ва энг яхши тенгламаларни танлаш - бу ҳар хил тармоқларда (маркетингда, тиббиётда, қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини моделлаштириш ва башоратлашда ва ҳоказо) олиб борилаётган тадбиркорликда ва илмий тадқиқотларда универсал восита ҳисобланади.

3.2. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида сотилган узум маҳсулотини рентабеллигини статистик таҳлили

Маълумки қишлоқ хўжалик корхоналарнинг фойдалилик ёки зарарлилик даражасини аниқлаш учун ҳам рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади.

Шу ўринда қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича етакчи олимлар проф. А.Исмоилов ва О.Муртозаевлар томонидан ёзилган дарсликка мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: "Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради." ¹⁰

Институтимизнинг етакчи иқтисодчи олими Т.Қудратов томонидан ёзилган [27] ўқув қўлланмани 9-боби "Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили" деб номланди. Бу қўлланмада мавзу бўйича қуйидаги назарий ва амалий тушунчалар ёритилган. ¹¹

¹⁰ Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Молия, 2005.- 412 б.

¹¹ Қудратов Т.,Файзиёва Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б.

Фойда хўжаликнинг пировард молиявий натижасини мутлоқ кўрсаткичда ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда ифодалайди. Самарадорликка баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади.

Даставвал рентабеллик тушунчасини асосий таснифларини келтирамиз. Рентабеллик деганда фойдалилик, даромадлилик даражаси тушунилади. Ресурсларга, капиталларга, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан олинган фойда ҳажми тушунилади. 1 сўмлик асосий фондлар ҳисобига ёки 1 сўмлик хусусий капитал ҳисобига ёки 1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич тушунилади.

Ушбу кўрсаткич рентабеллик коэффиценти деб ҳам аталади.

Энди, Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида сотилган узум маҳсулотлари рентабеллигини таҳлил қилишга ўтамиз. Бу бўлимни ёзишда биз [23, 25, 26, 27, 37] адабиёт ва ўқув қўлланмаларда баён қилинган назарий ва амалий тушунчаларга асосланган ҳолда иш кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун олинган ялпи фойда суммасини 100% га кўпайтириб, маҳсулот таннархига бўлинади.. Биз бу ерда маҳсулот бир бирлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар асосида рентабелликни ҳисобладик ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқладик. Ушбу ҳолатда сотилган маҳсулотлар рентабеллигини куйидаги формула билан

ҳисоблаш мумкин [27]:

$$R = \frac{P - Z}{Z} [1]$$

бунда, P - 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм ҳисобида;

Z- 1 ц узумнинг ўртача таннархи, сўм ҳисобида;

P - Z 1 ц узумни сотишдан олинган фойда, сўм ҳисобида.

Ушбу формуладан кўришиб турибдики, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

Биринчи омил. Узумни ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;

Иккинчи омил. 1 ц узум таннархининг ўзгариши.

Рентабелликнинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқланади.

Таҳлил таққослашдан бошланади, яъни ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини базис йилидаги рентабеллик даражасига солиштириб, умумий ўзгариши аниқланади [27]:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ} \quad [2]$$

Ушбу ўзгаришга омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли рентабеллик даражаси» аниқланади. Буни қуйидаги формуладан фойдаланиб,

аниқлаш мумкин:

$$P_{ш} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} \quad [3]$$

Шундан сўнг рентабеллик даражасининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1) «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши»нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун шартли рентабеллик даражасидан базис давридаги рентабеллик даражасини чегириб ташланади, яъни :

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_P \quad [4]$$

2) «1 ц маҳсулот таннархи ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасидан шартли рентабеллик даражасини чегириб ташланади , яъни:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_Z \quad [5]$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сотилган маҳсулотлар рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{PZ} = \Delta_P \pm \Delta_Z \quad [6]$$

Энди, юқорида келтирилган таҳлил усулидан фойдаланиб, Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида сотилган узум бўйича унинг рентабеллигининг омилли таҳлилинини кўриб чиқамиз.

Кўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узумни сотиш
бўйича рентабелликнинг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йилда ўртача баҳо ва 2010 йилидаги ўртача таннархи бўйича	2011 йил	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	39650	51000	51000	11350	х	х
1 ц узумнинг ўртача таннархи, сўм	31000	31000	38000	7000	х	х
1 ц узумни сотишдан олинган фойда, сўм	8650	20000	13000	4350	х	х
Рентабеллик даражаси, %	27,9	64,5	34,2	6,3	36,6	-30,3

Манба. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги маълумотлари асосида
муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

БМИда келтирилаётган 9-жадвалдаги маълумотлар асосида «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узумчиликнинг рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришини [2] формула ёрдамида аниқлаб, қуйидаги натижага эга бўлдик:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{pz} =$$

$$= (51000 - 38000) / 38000 - (39650 - 31000) / 31000 = 0,063 = 6,3 \%$$

Ҳисоблаш натижасини кўрсатадики, узумчиликда «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги бўйича 1 сўмлик харажат ҳисобига 2010 йилида 27,9 тийинлик, 2011 йилида 34,2 тийинлик фойда олинган, яъни 1 сўмлик сотилган узум харажати ҳисобига олинган фойда таҳлил қилинаётган даврда 6,3 тийинга ёки 6,3 % га кўпайганини англатади. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган.

Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 11350 сўмга ошган.

Энди «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлашга ўтамиз. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини ўзгаришини [4] формула орқали ҳисобланади, яъни:

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = (51000 - 31000) / 31000 - (39650 - 31000) / 31000 = 0,366 = 36,6 \%$$

Ҳисоблаш натижаси шу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 36,6 % га ошганини англатади.

Энди таннархнинг 7000 сўмга ошиши рентабеллик даражасига қандай таъсир қилганлигини аниқлашга ўтамиз. Маълумки, 1 ц узумнинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 7000 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади.

Бу [5] формула орқали ҳисобланади, яъни:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = (51000 - 38000) / 38000 - (5100 - 31000) / 3100 = -0,303 = -30,3\%$$

Олинган натижа таннархнинг 7000 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 30,3 % га пасайтирганлигини англатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фермер хўжалигида узум рентабеллигини оширишнинг асосий резерви бўлиб, сотиш баҳосини узум сифатини ошириш ҳисобига кўтариш ва таннархни нисбатан пасайтириш ҳисобланади. Агар «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги узум таннархи 2011 йилда нисбатан пасайганда рентабеллик пасайиш ўрнига ошган бўлар эди, оқибатда фойдалилик ошган бўлар эди

3.3. Эконометрик моделларни қўллаш асосида узум ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва олинган натижаларни таҳлили

Кўп сонли кузатишлар асосида номоён бўладиган ва аниқланадиган бир омилнинг ўзгариши иккинчи омилнинг ўртача қийматини ўзгартиришга олиб келадиган боғланишлар, статистик ёки корреляцион боғланишлар дейилади [38].

Турли ҳил катталикларнинг статистик боғланишларини ифодалайдиган функцияга регрессия тенгламаси дейилади.

Ўрганилаётган объектнинг иқтисодий ва технологик боғлиқлигини математик ифодаланишига ишлаб чиқариш функциялари дейилади.

Ишлаб чиқариш функцияларининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин: $Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$.

Бу ерда, Y -натижавий кўрсаткич; x_1, x_2, \dots, x_n -ишлаб чиқариш омиллари. Улар боғлиқ ўзгарувчилар ҳам деб номланади. Ишлаб чиқариш функциялари, жадвал, график ва аналитик тенглама кўринишда ифодаланган бўлиши мумкин.

Кўп сонли омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига таъсирини корреляцион таҳлил (анализ)га асосланиб ўрганилади. Корреляцион таҳлил - бу математик статистиканинг услублар тупламидан иборат бўлиб, у тадқиқ қилинаётган ходисаларнинг белгилари уртасидаги сонли боғлиқликларни узаро алоқасини ўрганади.

Ишлаб чиқариш функциялар моделларининг ёзилиши, алгебраик тенгламаларнинг (кўринишлари) берилишларига биноан аниқланади. Бундай

моделлар регрессия тенгламалари деб юритилади. Регрессия тенгламалари бир ёки бир неча ўзгарувчили бўлиши мумкин. Икки омили боғланиш, умумий ҳолда қуйидаги чизикли функция кўринишда ифодаланади: $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$

Бу ерда: Y - ишлаб чиқариш натижаси; x_1 ва x_2 - ишлаб чиқариш омиллари;

a_0 - ҳисобга олинмаган омилларни ифодаловчи озод ҳад;

a_1, a_2 - регрессия коэффициентлари.

Биздан $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$ функция кўринишдаги икки омили чизикли боғланишни ифодаловчи ишлаб чиқариш функциясини тузиш ва унинг регрессия тенгламасини a_0, a_1 ва a_2 параметрлари аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

Энди токзорларни ўғитлашга қисқача тўхталиб ўтамыз.

Проф. Ф.Жўраев қайд қилганидек¹²: «Токлар ўғитларга жуда талабчан бўлади. Токзорларга маҳаллий ўғитлардан гўнг, парранда ахлати; минерал ўғитлардан азотли (аммиакли селитра, мочевино), фосфорли (суперфосфат), калийли (калий хлорид) ўғитлар солинади.

Токзорларга солинадиган азот миқдори гектарига - 120 кг ни, фосфор – 90 кг ни, калий – 30 кг ни. Органик ўғитлар эса гектарига 5 -20 тоннагача солиш тавсия қилинади.

Томорқа ерларидаги токзорларга эса аммиакли селитра, мочевино ва азотли ўғитларнинг бошқа хилларининг асосий қисми 1 м² ерга – 30-50 граммдан эрта баҳорда, суперфосфат -50-60 граммдан, калий хлорид- 15-20 граммдан кузда солинади.

Минерал ўғитлар маҳаллий ўғитларга қўшиб солинса самарадорлиги янада ошади.

Минерал ўғитлар (аммафос, нитрофос ва бошқалар) оддий ўғитларга нисбатан бир қатор агрохимик ва иқтисодий самарадорликка эга. Шунинг учун суғориладиган ҳосилдор токзорларга ҳар йили баҳорда (токлар очилгандан кейин) гектарига 225 кг аммофос билан бирга 225 кг аммиакли селитра ва 250

¹² Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Истиқлол, 2004.

кг калий тузлари ёки 455 кг нитрафос ҳисобида минерал ўғит солинса яхши натижалар беради.

Энди фермер хўжалиги бўйича узум ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлаш ҳажмларига қанчалик боғлиқ эканлигини корреляцион боғланишлар орқали аниқлаймиз.

Масаланинг қуйилиши. Фермер хўжалигида узум ҳосилдорлиги, токзорларни 1 гектарга сарф бўладиган минерал ва органик ўғитлашни 10 йиллик статистик маълумотлари маълум бўлганда, токзорларни ўртача йиллик ҳосилдорлигини уларни минерал ва органик ўғитлаш кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодаловчи сонли эконометрик модели аниқлансин ва олинган натижалар таҳлил қилинсин.

10-жадвал

Фермер хўжалигида узум майдонларини ўғитлаш ва ўртача ҳосилдорлик бўйича 2001-2011 йиллар бўйича кўрсаткичлар


Ҳосилдорлик, ц/га	Минерал ўғит сарфи (соф ҳолда) ц	Органик ўғит миқдори, ц
Ү	x_1	x_2
73	5,3	99
75	5,2	97
79	5,4	120
79	5,4	116
85	5,5	110
86	5,2	116
74	5,4	106
74	5,1	97
76	5,1	118
84	5,3	120

Манба. Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланган.


Қўшработ тумани «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалиги бўйича тайёрланган 10-жадвал маълумотларига кўра узум ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик(x_2) ўғитлашга боғлиқлигини регрессия тенгламасини умумий кўриниши қуйидагича бўлади: $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$

Бу ерда: Y - ишлаб чиқариш натижаси, узум ҳосилдорлиги, ц ;


x_1 - ишлаб чиқаришни 1- омили, узум майдонини минерал ўғитлаш миқдори, ц;



2-расм. **Statistic-XLS5** дастурига киритилган бошланғич маълумотлар.



3-расм. **Statistic-XLS5** дастурига киритилган масалани гистограммаси



4-расм. **Statistic-XLS5** дастурига киритилган масалани график талқини

Variable	Coeff. (est.)	Std Err	T	p-value	Lower	Upper
1	11,40784	47,49004	0,240215	0,815545	-96,0221	118,8378
X1	6,212682	9,247431	0,671828	0,518565	-14,7065	27,13182
X2	0,311438	0,1335	2,332874	0,044537	0,009441	0,613436

5-расм. **Statistic-XLS5** дастурига масалани ечимини кўриниши

x_2 - ишлаб чиқаришни 2- омили, узум майдонини органик ўғитлаш миқдори, ц;

a_0 - ҳисобга олинмаган омиллари ифодаловчи озод ҳад;

a_1, a_2 - изланаётган регрессия коэффициентлари.

Фермер хўжалиги бўйича узум ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик ўғитлаш (x_2) бўйича маълумотлар 10-жадвалда келтирилмоқда.

Масалани ЭХМда **Statistic-XLS5** дастурида ечиш натижасида, фермер хўжалиги бўйича узум ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик ўғитлаш (x_2) миқдorigа боғлиқлиги ифодаловчи қуйидаги (5-расм):

$$Y = 11,408 + 6,213x_1 + 0,311x_2 \quad \text{тенгламаси олинди.}$$

Бу тенглама қуйидаги ммаъноларни англатади:

1) $a_0=11,408$. Бу кўрсаткич фермер хўжалиги бўйича, тоқзорлар ҳосилдорлигини аниқлашда ҳисобга олинмаган бошқа омиллари ифодалайди;

2) Биринчи омил коэффициенти $a_1 = 6,213$ га тенг. Демак фермер хўжалигида узумга солинадиган минерал ўғит миқдори 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 6,213 ц га ошади.

3) Иккинчи омил коэффициенти $a_2 = 0,311$ га тенг. Демак фермер хўжалигида узумга солинадиган органик ўғит миқдори 1 ц га оширилса, узум ҳосилдорлиги 0,311 ц га ошади.

Тоқзорларни ҳосилдорлигини ошириш учун истиқболда фермер хўжалик бўйича тоқзор майдонларини сифатли органик ўғитлаш ҳажмини ошириш тавсия қилинади.

Корреляция коэффициенти $R = 0,998025$ га тенг. Бу кўрсаткич узум ҳосилдорлигини қаралаётган омиллarga юқори даражада боғлиқ эканлигини кўрсатади .

Олинган натижалар ва қисқача қилинган таҳлиллар ишлаб чиқариш функциялари билан фермер хўжаликларида узум етиштиришни асосий омиллари ҳосилдорликни ошишига боғлиқлигини аниқлаш мумкинлигини ва унинг амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

3.4. Мева-сабзавотчилик соҳаларида меҳнат хавфсизлиги ташкил этиш

Маълумки меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади [1; 2; 19].

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” нинг 1 боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган[2]:“Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчан ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар тамонидан амалга оширилади”. Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. (176-модда. Ходимнинг бурчлари)

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жиҳозланганлиги, яъни унинг техника ва технологиянинг такомиллашиб туриши, ишлаб чиқариш жараёнининг интенсивлашуви, программалаштириш, ҳосилни юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлилиги (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (қаттиқ, суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги, йиғиштирилаётган ҳосилнинг об-ҳаво ва бошқа сабаларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрийлаштиришда ҳисобга олиш керак.

Меҳнат шароитларини яхшлиш ишлари бир қанча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Барча ишлаб чиқариш омиллари қўйилагиларга бўлиниши мумкин: ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, табиий-иқлим, иқтисодий (ад. 23).

Ташкилий омил-корхонада қабул қилинган иш ва дам олиш тартиби, ишнинг ташкил этилиш шакли ва интизом, ишчиларни махсус кийим, шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланганлиги, шунингдек, меҳнат жараёни устидан қилинадиган назоратнинг ҳолати ва хусусан меҳнат муҳофазаси, ишчиларнинг профессионал тайёргарлик даражаси ва бошқалардир.

Техник омил-ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, бошқарувда электрон-ҳисоблаш техникаларини қўлланилиши, ҳимояланиш воситаларининг созлиги ва етарлилиги, хавфли доираларнинг ҳимояланганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Санитария гигиена омили- иш жойларининг санитария ҳолатига (меъёрларига) жавоб бериш-бермалиги.

Эргономик омил-машина ва ускуналарни инсон билан ўзаро ҳаракатда бўлганда машина элементларининг мос келиши. Бунга техникани тезлик параметрларига тегишли, ишчи органлардан келаётган маълумотнинг ҳажми, иш жойларини ташкил этиш даражаси, бошқариш органларининг қулай жойлашганлиги, оператор ўриндиғининг конструкцияси ва бошқалар киради.

Социал-маиший омил- ишлаб чиқари маданияти, иш жойларида тозалик ва тартиб, территориянинг кўкаламзорлиги, маиший хоналар, ошхона, тиббиёт пункти, поликлиника, боғчаларнинг мавжудилиги: йўлларнинг ҳолати, ишлаб чиқариш участкалари, далалари, бригадалари, фермер хўжаликлари, турар жой комплексларининг қулайлиги.

Психофизиологик омиллар-меҳнатнинг оғирлиги ва қизғинлиги, жамоадаги психологик вазияти, ишчиларнинг бир-бири билан ўзаро муносабати.

Табиий-иқлим омиллари-жойнинг географик ўрни ва метрологик ҳоллари (денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, рельеф, ёғингарсиликнинг тури, ҳарорати, намлик, ҳавонинг ионланиши, атмосфера босими ва бошқалар).

Иқтисодий омиллар-меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи меҳнатини муҳофазасига ажратилган маблағнинг бошқа мақсадларга сарфланиши, меҳнат муҳофазасига доир чора-тадбирларга кам жой ажратилганлиги.

Энди пахтачиликда механизациялаштирилган ишларни бажаришда меҳнат хавфсизлиги ҳақида тўхталамиз.

Умумий талаблар. Барча машина ва механизмларга хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилади. Ана шу талабларга мувофиқ машина ва механизмларни бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиши ва тўхташ сигналлари бўлиги керак.

Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойларда бўшашади, зазор (тирқиш)лар катталашади. Мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди ва ҳақозо. Шу боисдан пала партиш кўрсатилган техник хизмат авария ва бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, трактор юриш қисмининг маҳкамланган жойларини ўз вақтида текшириб ва таранглаб турилмаса, у ағдарилиб кетиши мумкин. Агар машина ишлаётган вақтда инсон ҳаёти ёки саломатлигига хавф соладиган нуқсон пайқалса, ишни дарҳол тўхтатиш керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи, машинани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриш керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи машинани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриши керак.

Машинадаги ҳар бир ҳаракатланувчи детал хавфлидир. Айланаётган вал, юлдузча, тишли ғилдирак қўлни, турмакланмаган сочни ёки кийимни ичкарига олиб кетиши мумкин. Шу боисдан машина ва механизмларнинг ҳаракатланувчи қисмлари қалпоқ, ғилоф, кожух, тўсиқлар билан беркитилади. Аммо ҳаракатдаги барча қисмларни ҳимоя қурилмалари билан беркитиб бўлмайди.

Шу сабабдан хавфли зонада ҳам ишлашга тўғри келади. Хавфли доира ҳамма машина ва механизмларда бор.

Механизациялаштирилган агрегатларга хизмат кўрсатаётган иш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши: ишлаб турган машина яқинида кийиниб-ечинмаслиги, ўзига мос бўлмаган жомаркорда ишламаслиги, кийимининг этаклари (барлари) шилвираб осилиб турмаслиги керак.

Трактор комбайн, ва автомобилда ҳайдовчи асбобларнинг тўла жамланмаси, биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка, ичимлик сув солинган идиш, завод тамонидан бериладиган қўлланма бўлиши шарт.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулосалар

1. Самарқанд вилояти Республикамизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикада мавжуд токзорларнинг асосий қисми Самарқанд вилоятига тўғри келади. Ҳозирги даврда вилоятдаги токзорлар майдони 34 минг 362 гектарни ташкил қилиб, унинг 29 минг 791 гектари ёки 80,9 фоизи ҳосилли токзорлардан иборат. Самарқанд вилояти бўйича 34 минг 362 гектар токзор майдонларининг асосий қисми Булунғур (6124 га ёки 17,8%), Қўшработ (5990 га ёки 17,48%), Иштихон (5243 га ёки 15,3 %), Тойлоқ (3401 га ёки 9,9 %) ва Самарқанд (2964 га ёки 8,6%) туманлари хўжаликларида жойлаштирилган.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани дон, мева-узум ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналаридан иборат.

2. Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилиб, хўжалик юриштишнинг замонавий шакллари жорий этилди. Айниқса, хусусий мулкчилик шаклидаги фермер хўжаликларининг ташкил этилганлиги соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этди. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра сабзавот, картошка, полиз экинлари ва боғ ва токзорлар майдонлари 2011 йилда 77 минг 956 гектарни ташкил қилган. Бу майдонларнинг 43,8 % сабзавот экинларини, 31,2 % токзорларни ва 16,2 % боғларни ташкил этган. Юқорида номи келтирилган экинлар учун 2011 йилда Қўшработ туманида 1249 гектар экин майдони ажратилган. Самарқанд вилоятини 2,4 % токзорлари ва 0,6 % боғ майдонлари Қўшработ тумани ҳиссасига тўғри келади (Маълумотлар 1-жадвалда келтирилмоқда)

3. БМИда бажарилган таҳлилирлар Самарқанд вилоятида мева ва узум етиштириш рентабелли эканлигини кўрсатмоқда (2-3-жадваллар). Масалан Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида 2011 йилда 24360 гектар токзорлардан ўртача 104,6 центнердан узум ҳосили олишга эришилди. Ялпи узум ҳосили 254721 тоннани, пул тушуми 107 515 миллион сўмни, ишлаб

чиқариш харажатлари 76758 млн. сўмни, жами фойда 30757 млн сўмни, ретабеллик даражаси 40,1 % ни ташкил қилди.

4.Қўшработ туманида 2011 йилда ғалла экинлари майдони-11900 га, тоқзорлар майдони – 590 га, сабзаёт экинлари майдони – 360 га, боғлар майдони –78 га ва полиз экинлари майдони – 75 гани ташкил қилган.

Қўшработ туманида 2011 йилда 2010 йилга нисбатан туман бўйича ялпи узум ҳосилнинг 102 тоннага ёки 1,5% га ўсиши (3-жадвал) гектаридан ҳосилдорликнинг 1,7 центнерга ёки 1,5 % га ўсиши ҳисобига бўлган. Мева-узумчиликда 2011 йилда 2010 йил каби иқлим шароити қулай келмаганлиги сабабли туманда тоқзорлар ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот кўрсаткичларини бўйича сезиларли ўзгаришларга олиб келмаган.

5.БМИ мавзуси ва унда қуйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Қўшработ тумани Оқтепа ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Хонназар Шакарангул» узумчилик фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганилди. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида 2010-2011 йилларда ҳосилли тоқзорлар майдони 25 гектарни ташкил қилган. 2011 йилда тоқзорлар ҳосилдорлиги ўртача 1 гектардан 84 ц ни ташкил қилган (6-жадвал).

Фермер хўжалигида 2011 йилда узумнинг ялпи ҳосили 2100 ц ни ташкил қилган, Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 200 центнерга ёки 10,5 фоизга кўп демакдир.

2011 йилда 2010 йилга нисбатан «Хонназар Шакарангул» фермер фермер хўжалигида тоқзорлар ҳосилдорлигини ошиши, ялпи ҳосилни ошишига олиб келган ва мос равишда даромад манбалари бўлган пул тушумини 31 млн 765 минг сўмга кўпайишини таъминлаган.

Фермер хўжалигида етиштирилган узум ҳосилини реализация қилишдан олинган пул тушуми 107 млн 100 минг сўмни, узум ишлаб чиқариш харажатлари 79 млн 800 минг сўмни, олинган фойда эса 27 млн 300 минг сўмни ташкил қилган.

6.БМИда «**Фермер хўжалигида узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг статистик таҳлили**» амалга оширилди (8-жадвал). Маълумки ишлаб чиқарилган узумни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

Биринчи омил: Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши;

Иккинчи омил: 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;

Учинчи омил: 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши .

Бажарилган таҳлил натижаларига кўра, хўжаликда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан узумни сотишдан 10 млн. 865 минг сўм кўп фойда олиниши қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган (8-жадвал):

1) **Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши бўйича:** 2011 йилда 2010 йилига нисбатан фермер хўжалиги бўйича сотилган узум ҳажмининг 200 ц. га ошиши натижасида, олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 1 млн 730 минг сўмга ошган. Фермер хўжалигида сотилган узум ҳажмининг ошиши фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

2) **1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши бўйича:** Фермер хўжалиги бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 113350 сўмга ошиши ялпи фойда суммасини 23 млн 865 минг сўмга ошишини таъминлаган. Фермер хўжалиги бўйича узумни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

3) **1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши бўйича:** Фермер хўжалиги бўйича 1 ц узумнинг таннархи 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 7000 сўмга ошган, натижада фермер хўжалигида узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 14 млн 700 минг сўмга ошишига олиб келган. Бу эса ўз навбатида фермер хўжалигида узумдан олинадиган ялпи фойда кўрсаткичига салбий таъсир этиб, уни 14 млн 700 минг сўмга камайдиганини билдиради.

Таклифлар

1.«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг статистик таҳлили» амалга оширилди (9-жадвал).

Маълумки сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади: 1- омил - узумни ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши; 2- омил - 1 ц узум таннархининг ўзгариши.

«Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узумчиликнинг рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришини 6,3 фоизни ташкил қилиши аниқланди. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган.

1) Узумни ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши бўйича: ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 11350 сўмга ошган. «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши»нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш бўйича ҳисоблаш натижаси 36,6 % га тенг бўлди. Демак ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 11350 сўмга ошиши ҳисобига рентабеллик даражасини 36,6 % га ошишини таъминлаган.

2) Узум таннархининг ўзгариши бўйича: фермер хўжалигида узум таннархнинг ошишини рентабеллик даражасига қандай таъсир қилганлигини аниқланди. Ҳисоблашлар натижалари узумчиликда 1 ц узум таннархининг 7000 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 30,3 % га пасайтирганлигини англатади. Демак, фермер хўжалигида узум таннархининг ошиши фойданинг камайишига ва рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келган.

2.БМИда кўп сонли кузатишлар асосида номоён бўладиган ва аниқланадиган бир омилнинг ўзгариши иккинчи омилнинг ўртача қийматини ўзгартиришга олиб келадиган статистик ёки корреляцион боғланишларни (эконометрик моделларни) тоқзорларнинг ҳосилдорлиги бўйича аниқлаш масаласи ўрганилди.

Бунинг учун масаланинг қуйилиши қуйидагича ифодаланилди: Фермер хўжалигида узум ҳосилдорлиги, тоқзорларни 1 гектарга сарф бўладиган минерал

ва органик ўғитлашни 10 йиллик статистик маълумотлари маълум бўлганда, токзорларни ўртача йиллик ҳосилдорлигини уларни минерал ва органик ўғитлаш кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодаловчи сонли эконометрик модели аниқлансин ва олинган натижалар таҳлил қилинсин.

Маълумки, боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Бу омилардан бири боғ ва токзорларнинг ўғитлаш меъёрлари ҳисобланади. «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигини маълумотлари асосида $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$ функция кўринишдаги икки омилли чизикли боғланишни ифодаловчи ишлаб чиқариш функциясини тузилди ва унинг регрессия тенгламасини a_0 , a_1 ва a_2 параметрлари аниқланди.

Фермер хўжалиги томонидан бизга тақдим қилинган бошланғич маълумотлар асосида (10-жадвал) эконометрик масалани ЭХМда **Statistic-XLS5** дастурида ечилди ва фермер хўжалиги бўйича узум ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик ўғитлаш (x_2) миқдorigа боғлиқлиги ифодаловчи қуйидаги:

$$Y = 11,408 + 11,912x_1 + 0,311x_2 \quad \text{эконометрик тенгламаси олинди.}$$

Бу тенглама қуйидаги иқтисодий маъноларни англатади:

1) $a_0 = 11,408$. Бу кўрсаткич фермер хўжалиги бўйича, токзорларни ҳосилдорлигини аниқлашда ҳисобга олинмаган бошқа омилларни ифодалайди;

2) Биринчи омил коэффиценти $a_1 = 6,213$ га тенг. Демак фермер хўжалигида узумга солинадиган минерал ўғит миқдори 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 6,213 ц га ошади.

3) Иккинчи омил коэффиценти $a_2 = 0,311$ га тенг. Демак фермер хўжалигида узумга солинадиган органик ўғит миқдори 1 ц га оширилса, узум ҳосилдорлиги 0,311 ц га ошади.

Корреляция коэффиценти $r = 0,99$ га тенг. Бу кўрсаткич узум ҳосилдорлигини қаралаётган омилларга юқори даражада боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Олинган натижалар ва қисқача қилинган таҳлиллар ишлаб чиқариш функциялари билан фермер хўжаликларида узум етиштиришни асосий

омилларини ҳосилдорликни ошишига боғлиқлигини аниқлаш мумкинлигини ва унинг амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади

Хулоса. Фермер хўжалигида истиқболда узумчиликни ривожлантириш учун: тупроқ-иқлим шароитига мос узум навларни танлаш ҳамда уларга тегишли агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш; ток майдонларини тупроқ унумдорлигини оширишда органик, минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш; соҳада тоқларнинг касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган тарзда курашиш усулларини кенг жорий қилиш; боғ ва тоқзорларнинг сийраклик даражасини қисқартириш; кам ҳосилли боғ ва тоқзорларни реконструкция қилиш каби ишларни амалга оширишни тақазо қилинади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. –Т.: Шарқ, 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 1998 йил 30 апрель
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Фермер хўжалиги тўғрисида”. 1998 йил 30 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислоҳ Каримовнинг Фармон ва Қарорлари

5. «Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2011 йил 11 апрель (<http://www.press-service.uz/uz/news/>)
6. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 йил 11 январь, ПҚ-255-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь.-8-10 б.
7. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 9 январь, ПФ-3709-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь.-3-5 б.

III. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислоҳ Каримовнинг асарлари ва маърузалари

8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 432 б.
9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/ И.А.Каримов.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

10. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил 21 янв./И.А.Каримов.-Т.: Ўзбекистон, 2011.- 48 б.

11. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби//“Халқ сўзи” газетаси. 2009 й., 14 февраль.

14. Каримов И.А.Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

15. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

IV. Дарслик, ўқув қулланма, монография ва илмий мақолалар

16. Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. – Т.: Мехнат. 1998.

17. Беркли Хилл. Иқтисодиётга кириш. – Т.: Мехнат, 1998. -340 б.
18. Бройдо В.Л. Офис техникаси бошқариш ва иш юритиш учун. - Т.:Мехнат, 2001. -432 б.
19. Ғойибов Х.Э. Мехнат муҳофазаси. – Т.: Мехнат, 2000 .
20. Голицына О.Л., Максимов Н.В., Партыка Т.Л., Попов И.И. Информационные технологии: учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. –608 с.
21. Давлат статистика ҳисоботи. 1-фермер шакли. Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот. 2010-2011 йиллар.
22. Жўраев Ф, Астанов А. Самарқанд вилоят фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари//Қишлоқ таракқиёти ва фаравонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамҚХИ, 2009. - 358 б.
23. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: Истиқлол, 2004.
24. Информатика ва ахборот технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик // Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва бошқ. / С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДИУ, 2010. – 765 б.
25. Исмоилов А.А, О.Қ. Рихсимбоев. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.
26. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Молия, 2005.- 412 б.
27. Қудратов Т.,Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б.
28. Носко В.П. Эконометрика. Кн. 1. Ч. 1, 2: учебник.-М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2011.- 672 с.

29. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма// Муаллифлар: Алимов Р, Ходиев Б, Алимов Қ ва бошқ.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004. – 320 б.

30. Муллажонов А. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. Самарқанд. 2010 йил, январ. Ҳокимлар йиғилиши материаллари

31. Олимжонов О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Т.: Университет, 2005.

32. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.. Иқтисодий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.

33. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. (Муоммоли маърузалар матни). М.Қ.Пардаевнинг таҳририда. Самарқанд: СамИСИ, -2005. (www.ziyonet.uz)

34. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.. Иқтисодий таҳлил. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.

35. Рахимов А., Умиров У. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағларни максимал фойдали тақсимлаш моделлари//Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари: Профессор-ўқитувчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси. -Самарқанд: СамҚХИ, 2011. -39-42 б.

36. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: О’қитувчи, - 2012. – 272 б.

37. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Учебник. –Минск; Новое знание, 2001.

38. Урдушев Х, Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан амалий машғулотлар.-Самарқанд:СамқХИ,2002.-240 б.

39. Урдушев Х., Акбаров Х. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликнинг ялпи ҳосилдорлигини ўзгаришини каторлар динамикаси тенденциялари усули билан аниқлаш//Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни: Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий-мақолалар тўплами. 1-қисм. 20-21 ноябр. 2009 й. – Самарқанд: СамқХИ, 2009. - 315-317 б.

40. Урдушев Х., Акбаров Х.,Қаландаров Р. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш//AGRO ILM-O'ZBEKISTON Q'ISHLOQ XO'JALIGI журнали илмий иловаси.- Тошкент, 2009. -№ 3 (10). - 64-65 б.

41. Урдушев Х., Қаландаров Р. Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари//Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари: Профессор ўқитувчиларнинг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. II-қисм. 6-7 май. СамқХИ. – Самарқанд: СамқХИ, 2009. -43-45 б.

42. Урдушев Х., Қаландаров Р. Мева-сабзавот, узумчилик фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш ва сотишни оптималлаштириш масалалари//Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари: Профессор-ўқитувчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд: СамқХИ, 2011. -36-39 б.

43. Урдушев Х., Қаландаров Р., Эшонқулов С. Мева-сабзавот, узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари//Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари: Профессор-ўқитувчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд: СамҚХИ, 2011. -45-47 б.

44. Урдушев Х., Акбаров Х. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришни айрим масалалари//Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари: Профессор ўқитувчиларнинг қишлоқ таракқиёти ва фаравонлиги йилига бағишланган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. II-қисм. 6-7 май. – Самарқанд: СамҚХИ, 2009. -10-12 б.

45. Урдушев Х.,Қаландаров Р. Самарқанд вилоятида сабзавот экинларини жойлаштирилиши ва маҳсулот етиштиришнинг таҳлили//«Фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд: СамҚХИ, 2008.

46. Урдушев Х.,Қаландаров Р. Самарқанд вилоятида тоқзорларни жойлаштирилиши ва маҳсулот етиштиришнинг таҳлили//«Фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд: СамҚХИ, 2008.

47. Хакимов Р. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий минитехнологияларни жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. -Самарқанд, 2010, (Ҳокимлар йиғилиши материаллари).

48. Хакимязов Г.С., Чубаров Л.Б., Воронина П.В. Математическое моделирование: В 2 ч.: Учеб. пособие/ Новосибир.гос ун-т. Новосибирск, 2010. Ч.1: Общие принципы математического моделирования.-148 с.

49. Холбоев Д. Молиявий ҳисобот. Ўқув кўлланма. -Самарқанд,СамҚХИ 2009.

50. Шодиев Т.Ш.,Хакимов Т.Х. ва бошқ. Эконометрика. –Т.:ТДИУ, 2007. – 187 б.

51. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009, -224 б.

V.Интернет ахборот ресурслари

52. www.ziyonet.uz- ахборот–таълим портали;

53. www.mexnat.uz- ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

54. www.Lex.uz- ЎзР адлия вазирлиги ҳузурдаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази сайти.

55. www.ft.uz- фермер ва томорқачи. И жтимоий-маърифий, илмий-оммабоп газета сайти.

56. <http://fermer.ru> - Главный аграрно-продовольственный портал РФ.

57. <http://top.fermer.info>- Все фермерские хозяйства/Все сайты РФ

58. <http://agroprim.com>- Агропромышленный портал РФ.

59. www.qishloqhayoti.uz- ЎзР Қишлоқ ҳаёти газетаси сайти.

60. www.mineconomy.uz - ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги сайти;

61. www.agro.uz- ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти;

62. www.stat.uz- ЎзР Давлат статистика қўмитаси сайти;

63. www.aci.uz- ЎзР алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги сайти;

64. www.vinprom.uz –Ўзвинсаноат –холдинг сайти

65. <http://qushrabort.samarkand.uz> – Қўшработ тумани ҳокимлиги сайти.

Бажарувчи

Қучкаров Нуриддин,

Телефон 9229020

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Иқтисодиёт ва бошқарув» факультети 5610100 – Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши 4 – босқич 406-гуруҳ талабаси Қучқаров Нуриддиннинг «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарилган малакавий битирув ишига

РУХСАТНОМА

Битирув малакавий иши “Олий математика ва ахборот технологиялари” кафедрасининг 2012 йил 16- майдаги даги йиғилишида муҳокама қилиниб, № 11 рақамли баённома билан ҳимояга рухсат берилди.

Олий математика ва АТ кафедраси
мудири, доцент

Урдушев Х.

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент

Урдушев Х.

СамҚХИ Олий математика ва ахборот технологиялари кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишини № 11 – сонли мажлис баёнидан КЎЧИРМА

16-май, 2012 йил. Самарқанд шаҳри

Мажлис раиси: - доцент Урдушев Х.

Мажлис котиби: - асс. Мавлянов М.

Қатнашдилар: доц. Абруев И., доц. Рахимов М., доц. Р.Усмонов, доц. Султонов Ж., доц.П.Давронов; катта ўқитувчилар: Рахимов О., Рахимов А., Акбаров Х.; ўқт. Мавлонов М.; ассистентлар: Қаландаров Р., Эшонкулов С., Рахимов Х., Жиянов Т.

Таклиф қилиндилар. Факультет деканати ва «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқарув» кафедрасидан: доц. А.Астанов (факультет декани), проф. О.Муртазаев, доцентлар: И.Ғаниев, Ф.Ахроров, Ш.Хасанов

Кун тартиби:

1. Кафедра профессор-ўқитувчиларини илмий раҳбарлигида бажарилган БМИларини муҳокама қилиш ва уларни ДАК ҳимоясига тавсия этиш ҳақида.

1.1.Иқтисодиёт ва бошқарув факультети 5610100-Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши IV-босқич талабаси Қучқаров Нуриддиннинг «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавсусида бажарилган битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Эшитилди: Кафедра мудир, доц. Х.Урдушев: Жорий ўқув йилида кафедрамиз профессор-ўқитувчиларини илмий раҳбарлигида 20 та БМИ ҳимоя қилиниши керак. Кафедрамизнинг бугинги йиғилишига факультетимизнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини қатнашишларини илтимос қилганмиз. Сизларга маълумки, ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 31.12.98 йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши" тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши керак. Муҳокамани бошлаймиз

Сўзга чиқдилар:

Факультет 4-босқич талабаси Қучқаров Нуриддин битирув малакавий ишини мазмуни билан йиғилиш иштирокчиларини таништиришди. У битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот ўтказиш услублари ва натижалари, асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди. Шундан сўнг, Қучқаров Нуриддинга БМИ мавзуси юзасидан 3-4 та саволлар берилди. Берилган аксарият саволларга у қониқарли жавоб берди.

Муҳокамада иштирок этган профессор О.Муртазаев ва доцентлар И.Абруев, Р.Усмоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича қарор қилинди:

1. 5610100-Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши IV-босқич 406 -гурух талабаси Қучқаров Нуриддиннинг «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарилган битирув малакавий иши мавзусини долзарблиги, бажарилган ишининг яқунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишнинг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, уни ДАК да ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Мажлис:

раиси

котиби

Урдушев Х

Мавлянов М.

МАЪЛУМОТНОМА

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Иқтисодиёт ва бошқарув» факультети 5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши 4 – босқич 406 –гуруҳ талабаси Қучқаров Нуриддин томонидан бажарилган «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) БМИ мавзуси бугунги кунда долзарб эканлигини ушбу маълумотнома билан қайд этамиз.

Қўшработ тумани узумчилик фермер хўжаликлари маълумотлари асосида бажарилган БМИ бўйича Қучқаров Нуриддин томонидан берилган таклифлар истиқболда ишлаб чиқаришга қўллашни ўрганиб чиқиш режалаштирилган.

Бажарилган БМИда узумчилик соҳасини истиқболда ривожлантириш масаллари ўрганилганлиги муносабати билан, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти, иқтисодиёт ва бошқарув факультети профессор -ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

«Хонназар Шакарангул»
фермер хўжалиги раиси

Қаршиев Абдурасул

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, 5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши 4 босқич 406-гуруҳ талабаси Қучқаров Нуриддиннинг «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарган битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Маълумки, боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллардан бири боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини оширишда уларнинг ўқитлаш меъёрларига боғлиқлиги ҳисобланади.

БМИда: 1) Қўшработ туманини мева-сабзавот ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш; 2) токзорлар ҳосилдорлигини минерал ва органик ўқитлашга боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделларини тузиш ва таклифлар ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилган.

Талаба томонидан бажарилган БМИда:

- Қўшработ туманини мева ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жараёнларини ўрганилган;

- Қўшработ туманини мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва омилли таҳлиллар амалга оширилган;

- Фермер хўжалигини узум ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳозирги ҳолатини омилли таҳлил қилинган;

- Узум ҳосилдорлигини минерал ва органик ўқитлаш миқдорига боғлиқлиги ифодаловчи ишлаб чиқариш функцияларини тузилган, компьютерда олинган натижаларни таҳлил қилиниб токзорларни ўқитлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

БМИда кўп сонли кузатишлар асосида номоён бўладиган ва аниқланадиган бир омилнинг ўзгариши иккинчи омилнинг ўртача қийматини ўзгартиришга олиб келадиган статистик ёки корреляцион боғланишларни (эконометрик моделларни) токзорлар ҳосилдорлигига қўллаш ва тегишли параметрларни аниқлаш масаласи ўрганилган.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан танланган мавзу долзарблиги кўринади.

Талаба Қучқаров Нуриддин қўйилган масалани яхши ўрганган. Изланувчи битирув иши мавзусидан келиб чиқиб зарур бўлган, ишлаб чиқариш кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилган. Мавзуга керак булган барча маълумотлар, компьютерда қайта ишланган Битирув иши айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан БМИда, фикрларнинг такрорланишлари, грамматик ва орфографик хатолар учрайди. Хулоса қилиб айтганда, Қучқаров Нуриддин томонидан бажарилган битирув иши, унга қўйилган талабларга жавоб беради ва Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимоя қилишга тавсия этилади.

Битирув иши раҳбари, и. ф. н., доцент

Урдушев Х.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, 5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши 4 босқич 406 гуруҳ талабаси Қучқаров Нуриддиннинг «Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришда ахборот технологиялари усулларини қўллаш» (Қўшработ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарган битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Ҳозирги даврда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида бошланган иқтисодий ислохатларни ҳаётга тадбиқ қилишда агросаноат ва агроферма каби тузулмаларни тузишга катта эътибор берилмоқда. Шунини қайд қилиш лозимки, бу тузилмалар таркибига кирган ёки бошқа мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти, шу зона, туман, хўжалик ҳудудларида жойлашган боғ-токзорларнинг тур-навлари бўйича таркибига боғлиқ.

Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг халқ хўжалигидаги ахамияти, уни илмий амалий жиҳатдан асослаш, мавзуга тегишли адабиётлар, муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал қилишда қўлланиладиган услублар акс эттирилган. БМИнинг асосий қисмида «Хонназар Шакарангул» фермер хўжалигида узум ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқ маълумотлар асосида ёритилиб, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиш асосида ўрганилган.

Битирув малакавий ишида Қўшработ туманини мева-сабзавот ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил асосида ва токзорлар ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлашга боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделни тузиш ва таклифлар ишлаб чиқилган

Талаба Қучқаров Нуриддин мутахассислик фанлари бўйича назарий ва амалий билимларни талаб даражасида эгаллаганлигини БМИ натижаларидан куришимиз мумкин.

Хулоса. Талаба Қучқаров Нуриддин томонидан БМИни унга қўйиладиган талаблар даражасида бажарилган ва уни ҳимояга тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Хонназар Шакарангул»
фермер хўжалиги раиси

Қаршиев Абдурасул